

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgz.uz • www.adolatgz.uz • www.adolat.uz • № 44 (1108) • 2016-yil, 18-oktabr, seshanba

Кузатувчилар миллий сайлов тизимимизга ижобий баҳо берди

Жорий йилнинг 13 октябрь кuni Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий сайлов штабида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш бўйича ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайлов департаменти раҳбари Александр Шлик бошчилигидаги Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси (ЭБМ) вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Экспертлар Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари А.Раҳмонов, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзоси Қ.Жўраев, партиянинг Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бўлим муdiri Р.Урманова билан учрашди.

Учрашув давомида ЕХХТ кузатувчиларига «Адолат» СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш борасида амалга оширилган ишлар, сайловолди кампаниясининг бориши, партиянинг VIII Қурултойига тайёргарлик ишлари ҳамда ушбу жараёнда партия тузилмаларининг фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Таъкидланганидек, Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президент сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан буён партия ташкилотлари томонидан барча ташкилий-сиёсий масалалар юқори савияда ҳал қилиб келинмоқда. Бўлажак сайловни юқори савияда ўтказиш мақсадида партия

Марказий сайлов штаби, 14 та ҳудудий сайлов штаби ва 194 та туман, шаҳар сайлов штаблари фаолият олиб бормоқда. Улар сайлов кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказишда таянч тузилмалар вазифини ўтамоқда.

Сайлов штаблари сайловга оид барча ҳуқуқий ҳужжатлар, қўлланмалар, партия дастурий ҳожаляри ва номзодни тарғиб қилувчи тарғибот материаллари ҳамда замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган. Ҳудудий сайлов штабларига партия ташкилотлари раҳбарлари масъул этиб белгиланган бўлиб, улар Марказий ва округ сайлов комиссиялари билан мустақкам ҳамкорликда сайлов кампаниясини уюшқоқлик билан олиб боришмоқда.

Учрашувда Александр Шлик самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва ЕХХТ / ДИИХБ миссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш таклифини олганидан мамнунлигини таъкидлади.

5 >

САЙЛОВ — 2016

УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ТАРКИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда округ ҳудудидаги участка сайлов комиссияларининг таркибини тасдиқлаш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, участка сайлов комиссияси халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг тавсияси асосида округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида 40 кун қолганида 5-19 нафар аъзо, жумладан, раис, раиснинг ўринбосари ва котибидан иборат таркибда тузилади.

Мазкур тартибга мувофиқ, вилоятдаги туман ва шаҳарлар Кенгашлари ўз ҳудудларидаги сайлов участкалари бўйича комиссиялар таркибини шакллантириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясига тақдим этган.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиялари таркибини қонунда белгиланган талаблар асосида кўриб чиқиб, вилоят ҳудудидаги 1030 сайлов участкаси бўйича комиссиялар таркибини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди, — дейди 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси раиси Ф.Тошев. — Вилоят бўйича участка сайлов комиссияларига 12 минг 335 киши жалб этилди. Уларнинг 4 минг 668 нафари хотин-қиздир. Аъзоларнинг 77,7 фоизи аввалги сайловларда сайлов комиссияларида фаолият кўрсатган, яъни бу борада муайян тажрибага эга. Мутахассислигига кўра, комиссия аъзоларининг 62 фоизи педагог, 7 фоизи иқтисодчи, 6 фоизи тиббиёт ходими, 3 фоизи иқтисоддир.

Мажлисида округ сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, қарорлар қабул қилинди.

Округ матбуот марказида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Ф.ҲАСАНОВ,
ЎЗА муҳбири

ҚУРУЛТОЙ

2016 йил 15 октябрь кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг VIII Қурултойи бўлиб ўтди. Унда 200 нафарга яқин делегат иштирок этди.

Қурултойда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди ва унинг сайловолди Дастури тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.



Муҳим сиёсий тадбирда муносиб иштирок этиш

ҳар биримиздан фаоллик ва ташаббускорликни талаб этади



Қайд этилганидек, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Қарори билан жорий йил 4 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кuni деб эълон қилинди.

«Адолат» СДП ҳам республикадаги мустақиллигини мустақкамлаш, халқимизга янада тўқис, фаровон турмуш шароитларини яратиш, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий соҳалардаги ислохотларда фаол иштирок этишни мақсад қилган сиёсий куч сифатида ушбу сайловда муносиб иштирок этишга киришди.

Қурултойда жорий йил 17 сентябрь кuni бўлиб ўтган «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг VI Пленуми қарорига мувофиқ, партия Сиёсий Кенгаши раиси, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясини раҳбари Наримон Маджитович Умаровнинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатилиши атофлича муҳокама қилинди.

Сўзга чиққан Қурултой иштирокчилари «Адолат» СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди Н.Умаров етарли ҳаётини тажрибага эга эканлигини, сафдошлари орасида обрў-эътибор қозонганлигини инобатга олган ҳолда бўлажак сайловда

иштирок этиш учун муносиб номзод эканлигини қайд этиб ўтишди.

Қурултой делегатлари «Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 24 ва 24-моддаларига мувофиқ, «Адолат» СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Наримон Маджитович Умаровни номзод

этиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифни бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

Шундан сўнг Қурултой иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига «Адолат» СДП номзодининг сайловолди Дастури билан ташиштирилди.

Ушбу масала юзасидан сўзга чиққанлар партия номзодининг Дастури партия дастурий вазибаларига тўла мос бўлиб, унинг мазмун-моҳиятида мамлакатимизни ҳар соҳада ривожлантириш, жами

ятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, халқимиз учун тинч ва фаровон турмуш шароитини яратишдек устувор ҳолат ва мақсадлар мужассам эканлигини таъкидладилар.

Қурултойда номзоднинг сайловолди Дастури маъқулланди ва сайловолди ташиқотини олиб боришда фойда



ланиш учун партиянинг марказий ва қуйи ташкилотларига тавсия этилди.

Қурултой якунида «Адолат» СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатишга номзодни рўйхатга олишни сўраб Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига белгиланган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этиш масаласига тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Наримон Умаровнинг Ўзбекистон «Адолат» СДП VIII Қурултойидаги маърузаси

Ассалому алайкум, ҳурматли Қурултой делегатлари ва меҳмонлари!

Авваламбор, Сиз ва Сиз орқали барча партияимиз аъзоларига менга билдирилган ишонч учун миннатдорлик билдиришга ижозат берасизлар.

Барчамизга маълумки, 2016 йил 9 сентябрь кuni Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинди.

Партия Сиёсий Кенгашининг Ижроия қўмитаси амалдаги қонунчилик ва Марказий сайлов комиссияси томонидан ўрнатилган тартибга асосан 4 декабрь кuni бўлиб ўтадиган сайловда иштирок этиш билан боғлиқ аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлади.

Бугунги кунда бажариладиган барча ташкилий-сиёсий масалалар юқори савияда ҳал қилинганлигини айтиб ўтишни жоиз, деб биламан. Авваламбор, барча партия ташкилотларида ўтказилган йиғилиш ва конференцияларда партияимиз аъзолари томонидан сайлов кампаниясини муносиб равишда ва қўтаринки руҳда ўтказишга келишиб олинди.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари! Тарихан қисқа давр — мустақиллигимизнинг чорак асри давомида юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат куриш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган тизимли ва кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Жумладан, аҳолининг реал даромадлари 12 баробардан зиёд кўпайди, иш хақи, пенсия ва ижтимоий нафақалар салмоқли даражада ошди. Хар йили давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилмоқда. Жаҳон амалиётида кам учрайдиган бундай кўрсаткичлар амалга оширилатган ислохотларнинг марказида инсон туриши, уларнинг бош мақсади инсоннинг ҳаётини ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва химоялашга қаратилганлиги далолат беради. Энг муҳими, ўтган давр мобайнида фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий фаоллиги сезиларли даражада ошди.

Қадрли партиядошлар! Сайлов кампаниясида иштирок этар эканмиз, истиклол йилларида ҳаётга татбиқ этилган ислохотлар ва уларнинг юксак натижаларини эътироф этган ҳолда, мамлакатимизнинг бундан кейин ҳам изчил тараккий этиши, ривожланган замонавий демократик давлатлар қаторига киришини илгари сурашимиз. Шу муносабат билан халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишга қаратилган янги вазибаларни, марраларни белгилаш ва уларга эришиш борасидаги сазой-харакатларимизни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтаришга қаратилган Дастурийимизни тақлиф этмоқдамиз.

3-4 >

2-3 >

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Наримон Умаровнинг Ўзбекистон «Адолат» СДП VIII Қурултойидаги маърузаси

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Дастурда бугунги кунда жамиятимизнинг турли соҳаларида учраётган айрим муаммолар, фуқароларимизни ўйлантираётган масалалар ечими бўйича аниқ таклиф ва механизмлар илгари сурилганлиги, ўйлашмиш, сайловчиларни бефарқ қолдирмайди.

Мазкур Дастурга мувофиқ куйидагилар биз учун энг муҳим йўналишлар бўлиб ҳисобланади:

Биз, энг аввало, демократик ижтимоий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни асосий мақсадимиз, деб ҳисоблаймиз.

Зеро, адолат устувор бўлган жойда иш юришади, юрғда файзу барака бўлади, одамларда меҳроқибат кучаяди. Адолат бор жойда тараққиёт бўлади, юксак муваффақиятларга эришилади.

Шундай экан, халқимизнинг адолат ва ҳақиқатга интилиши, адолатли жамият қуришдек асрий орзуларидан келиб чиқиб, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли жамият қуриш борасидаги конституциявий нормаларни ҳаётга тизимли равишда ва кенг жорий этиш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Биз бунда ижтимоий адолат ва бирдамлик тамойиллари ҳукм сурагани, аҳолининг даромади бўйича кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган, фуқароларнинг кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган жамият қуриш вояларига таянаемиз.

Давлат ва жамият бошқарувида аҳолининг муносиб иштирокини таъминлаш ҳам эътиборимиз марказидаги масалалардандир. Айни шу сабабдан сиёсий ислохотларнинг янада чуқурлаштирилиши, жамиятда демократик қадриятларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши, адолат, инсон ҳуқуқи ва эркинликларни устуворлиги таъминланиши учун бор кучимизни сафарбар этаемиз.

Биз вакиллик ҳокимияти, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, парламентаризмни ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига ошкоралик, очиклик ва ҳисобдорлик тамойилларини кенг жорий этишни ёқлаймиз.

Шунингдек, ҳокимиятнинг барча даражадаги бошқарув органлари вакиллари ҳамда фуқаролар ўртасида ўзаро очик мулоқот ва тўғридан-тўғри муносабатларни янада кенгайтириш, давлат хизмати ва давлат хизматчилари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Бу, ўз навбатида, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириши, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим масалаларини ечишда энг мақбул қарорларни шакллантириш ва қабул қилиш жараёнида аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш, ижтимоий адолат тамойилларини ҳаётга кенг татбиқ этиш, бюрократизм ва коррупциянинг ҳар қандай кўринишларини бартараф этишга ҳам хизмат қилади, деб биламиз.

Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлаш вазифаси давлат, ҳокимият, бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари саноий-харакатларини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш, жамоатчилик назорати институтини янада кучайтиришни талаб этади.

Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга молик масалалар юзасидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат ижтимоий дастурлари ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларини кенг жамоатчилик иштирокида экспертизадан ўтказиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти учун янада қўлай шароитлар яратиш, уларнинг соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги муаммоларини ҳал қилишдаги иштирокларини кучайтириш каби масалалар бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Биз демократик жамиятни матбуот эркинлигисиз, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ва сайлов эркинлигисиз тасаввур қилаб бўлмайди, деб биламиз ва "Ошқо-

ралик - фуқаролик жамиятининг муҳим шартини" тамойилига таянган ҳолда, ахборот соҳасини янада демократлаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратаемиз. Ахборот соҳасида рақобат муҳитини янада кучайтириш, олиб борилаётган ислохотларнинг, давлат ички ва ташқи сиёсатининг очик ва ошқоралигини таъминлашда ОАВнинг фаоллигини ошириш зарур, деб биламиз. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини, ҳокимият ва жамоатчиликнинг изчил алоқасини таъминлашда ОАВнинг ролини кучайтириш, моддий-техник базасини янгилаш, технологик модернизация қилиш, журналист касби нуфузини ошириш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш каби масалалар устувор вазифаларимиз сирасига киради.

Биз учун қонунчилик ва суд-ҳуқуқ соҳаси доимо муҳим аҳамияти касб этиб келган. Хусусан, биз давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида "адолатли қонунларни қабул қилиш", "қонун устувор бўлган жойда адолат бўлади" каби вояларни ҳаётга кенг жорий этиш, қонун устуворлигини таъминлаш инсон ҳуқуқи ва эркинликларини, унинг ижтимоий ҳимоясини амалда таъминладиган ҳуқуқий давлат, халқчил, адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишнинг гарови, деб биламиз.

Мазкур вояларни амалга ошириш, ҳар бир фуқарога жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг имкониятлар тақдим этиш, ижтимоий адолат тамойиллари, фуқаролар конституциявий ҳуқуқлари, қонуний манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳокимиятнинг барча тармоқлари, энг аввало, давлат бошқаруви органларининг ва айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг биринчи даражали вазифаси, деб биламиз.

Биз "қучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлган жойда қонун ва адолат тамойиллари устувор", деб ҳисоблаймиз. Шу мақсадда суд ҳокимиятининг мустақиллигини, судлар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг барқарорлигини, фаолиятининг очиклиги ва ҳолислигини таъминлаш, судьяларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнларини янада такомиллаштириш, одил судловнинг нуфузини ошириш, судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш, энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш механизминини такомиллаштириш каби вазифаларни амалга оширишга қаратилган суд тизимини комплекс ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни таклиф этаемиз.

Биз, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида самарали натижа бераётган ярашув институтини янада кенгайтириш чораларини кўришимиз даркор. Шу билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, ҳар бир инсоннинг, айниқса, мансабдор шахсларнинг юксак ҳуқуқий маданиятга асосланган фаолиятини йўлга қўйиш учун барча имкониятлардан фойдаланишимиз зарур.

Жамият аъзоларининг Конституция ва қонуларимиз ижросига бўлган ишонч уларнинг эртанги кунга бўлган ишончидир. Шундай экан, биз давлат бошқаруви органлари, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунчилик меъёрларининг бузилишига, уларнинг нотўғри ва эркин талқин этилишига, шунингдек, тўрачилик, расмиятчилик ва коррупцияга қарши кескин кураш олиб бориш тарафдоримиз. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш, хусусан, ички ишлар, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар фаолиятида қонунчиликка амал қилиниши, инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши устидан жамоат-

чилик назоратини янада кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Хурматли партиядошлар!

Биз иқтисодиёт йўналишида республикамизда олиб борилаётган макронқиқсий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш, бюджет ҳамда миллий валютамиз барқарорлигини таъминлаш, банк ва сугурта тизимларини мустаҳкамлаш, четдан қарз олиш масалаларида консерватив ёндашувга асосланиш, давлатнинг ташқи қарзи хаддан зиёд ошиб кетмаслигига эришиш борасидаги сиёсатини давом эттириш тарафдоримиз.

Замонавий ижтимоий давлат фақат юксак ривожланган, самарали ва ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётга асосланиб муваффақиятли фаолият кўрсатади. Бозор иқтисодиёти ва хусусий тадбиркорлик ташаббуслари эса социал-демократиянинг эркинлик, адолатлилик ва бирдамлик каби асосий қадриятларини амалга оширишда муҳим вазифа бўлади, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, биз бозорни бошқариш, тартибга солиб туриш зарур, деб биламиз ҳамда "рақобат - мумкин қадар, давлат бошқаруви - зарурат қадар" тамойилни ҳаётга кенг татбиқ этиш тарафдоримиз.

Биз, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида ҳар бир ҳудуднинг ўзига яраша хусусиятларидан келиб чиқиб, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ижтимоий йўналтирилган иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этишга интиламиз.

Бу борада бизнинг доимий диққат марказимизда турган ечимини кутаётган айрим масалалар мавжуд.

Хусусан, айни вақтда мамлакатда ҳудудлар бошқарувининг ўта марказлашганлиги ва амалдаги бюджетлардо тизим, хусусан, маблағларнинг асосий қисми марказда жамланиши ва тақсимлаб берилиши, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг маҳаллий бюджетни тасарруф этишдаги ваколатининг чекланганлиги ҳудудлар ва пойтахт орасидаги иқтисодий ва ижтимоий номуносибликка, бу эса, ўз навбатида, ишсизликнинг ортишига, ички миграцияга, кичик шаҳарлар ва чекка ҳудудларнинг ривожланмай қоллишига олиб келмоқда.

Қолаверса, йирик саноат корхоналарининг фақатгина маъмул бир ҳудудларда жойлаштириш ҳудудлараро тафовутнинг кескинлашуви сабаб бўлмоқда. Масалан, 2000-2012 йиллар оралиғида яли ҳудудий маҳсулот кўрсаткичи бўйича энг яхши ва энг ёмон ҳудудлар орасидаги фарқ 2,5 баробардан 4,6 бартагача ортди.

Масаланнинг мураккаблашуви, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари зиммасига қонунчилик билан кенг вазифалар юклатилган бўлса-да, уларни амалга ошириш механизми аниқлаштирилмаганлиги сабаб бўлмоқда.

Маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ҳокимларга бўйсунини масаласи узил-кесил ҳал этилмаганлигича қолмоқда. Ҳокимлар вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлимлари раҳбарларини ишга қабул қилиш ва озод этишда, уларни жавобгарликка тортиш масаласида ташаббуслар, ҳудуднинг кадрлар сиёсати таъсир этишда етарли ваколатларга эга эмаслар.

Бу, ўз навбатида, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳоким қарор ва буйруқларини бажаришга бепасанд муносабатда бўлишига, бир-бирини такрорлаш ҳолатлари вужудга келишига, ижро интизоми сустлигига, расмиятчилик ва қозғообликка сабаб бўлмоқда. Қолаверса, вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлимлари раҳбарлари ҳудуднинг эмас, аввало, ташкилотларининг манфаатларини кўзлаган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун биз маҳаллий бюджетларни тасарруф этишда ва инвестицион лойиҳаларни белгилашда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ваколатларини ошириш, маҳаллий ва республика бюджетига солиқ ва бошқа мажбурий аж-

ратмаларни тақсимлаш тизимини қайта қўриб чиқиш, йирик компанияларнинг марказий бошқарув органларини кичик шаҳарларга кўчириш ҳамда кичик шаҳарларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини республика бюджетидан ҳисобдан кенг қўллаш реконструкция қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бу йўналишда биз, шунингдек, ҳокимларнинг вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлимлари раҳбарларини ишга қабул қилиш ва озод этишдаги, уларни жавобгарликка тортиш масаласидаги, ҳудуднинг кадрлар сиёсати таъсир этишдаги ваколатларини кенгайтириш тарафдоримиз. Бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базасини чуқур ҳатловдан ўтказиш, ҳудудий давлат ҳокимияти органлари зиммасига муайян вазифа, ваколат ва топшириқ юклатилган ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларни амалга ошириш, назорат қилиш ва ҳисоботини эшитиш билан боғлиқ аниқ механизмларни акс эттириш, қолаверса, барча ҳудудий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлигига тавсия этилаётган номзодларни ҳокимлар билан келишиш лозимлигини муҳим, деб биламиз.

Биз бюджет соҳасида харажатларни кескин қисқартириш эвазига бюджет сиёсатини амалга ошириш тарафдори эмасмиз, чунки бюджет харажатлари иқтисодий ривожланишини энг муҳим омиллардан биридир, у аҳолининг тўлов қобилиятини кучайтириб, ўз навбатида, юксак самарали ишлаб чиқаришни рағбатлантиради ва яқинда халқ фаровонлигини таъминлайди.

Молия бозорига аҳоли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маблағларининг фаол жалб қилиниши борасида халқи ишлатилмаган кенг имкониятлар, ечимини кутаётган вазифалар мавжуд, деб биламиз ва уларнинг ҳал этилиши иқтисодиётимизни ривожлантириш учун қўшимча инвестициялар ва молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимизни ривожлантиришда ўзимизнинг куч ва имкониятимизга таяниш зарурлиги ҳақидаги узоқни кўзланган стратегияни давом эттириш, кичик бизнес ва хусусий корхоналарнинг республика ва ҳудудий инвестиция дастурларидаги иштирокини доимий ошириб бориш орқали истиқболда ҳам юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишимизга хизмат қилади.

Биз ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига, авваломбор, мамлакатимизда экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон ва минтақавий бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш, экспорт ва импорт миқдори орасидаги мувозанатни сақлаш нуктаи назардан ёндашамиз.

Иқтисодиёт йўналишидаги вазифаларимиз ҳақида гапирар эканмиз, биз уни инновациялардан холи тасаввур қила олмаймиз. Чунки, "Инновацион иқтисодиёт - барқарор тараққиёт ва мамлакат рақобатбардошлигининг гарови!" деб биламиз ҳамда давлатнинг мувофиқлаштирувчи фаолияти иқтисодиётнинг барқарор инновацион тараққиётида муҳим роль ўйнаши кераклигини эътироф этаемиз. Янги технологияларга асосланган иқтисодиёт давлат қудратини оширади, халқимиз фаровонлиги ва жамиятимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Шу мақсадда ушбу соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, мамлакатда инновацион тизим яратилишини ҳар томонлама рағбатлантириш, фан ва техниканинг энг замонавий ютуқларига таянган, илгор инновацион тафаккурни тарбиялайдиган таълим тизимини ривожлантириш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ҳамкорлигини кучайтириш зарур.

Биз иқтисодий соҳада, шунингдек, қуйидагиларни ҳам таклиф этаемиз:

- энергия сарфини иқтисод қилишни рағбатлантиришга қаратилган замонавий технологияларни кенг миқёсда жорий этиш. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш масалалари доимо эътиборимизда бўлади. Мавжуд муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш орқали рақобатбардош энергия бозори яратилишини рағбатлантириш катта аҳамиятга эга, деб биламиз;

- "яншиқ иқтисодиёт"га ва унга мос технологияларга ўтишни давлат томонидан кенг рағбатлантириш. Бу йўлда, айниқса, зарур инфратузилма яратилишига сармоя киритиш, бошқарувининг самарали тизими ва хусусий сармоялар эвазига экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг янада фаоллаштириш лозим;

- инвестиция таклифларини чуқур ўрганиш ва инвесторларнинг ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги техника ва юксак технологияларни киритиш, рақобатдош, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларни қатъий назорат остига олиш асносида корхона ва муассасаларни бошқаришдаги фаровонлик, ўзининг ҳаётга муносабати, охириқабатда эса жамиятимизнинг барқарорлиги унинг иш билан таъминлангани, ижтимоий ҳимоялангани, меҳнати учун муносиб ҳақ олаётганига бевосита ва билвосита боғлиқ.

Бу борада биз жамиятимизда учраб турадиган баъзи муаммоларни бартараф этиш учун аниқ таклифларни илгари сураемиз.

Жумладан, бугунги кунда айрим тадбиркорлар қўл остида ишлайдиган ходимлар учун зарур ижтимоий, технологик, таълим шартноларини яратмаганликларига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Баъзи ҳолларда иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатлар меҳнат шартномаси тизимасдан "яширин иқтисодиёт" тамойиллари асосида олиб боришмоқда. Натижада ходимлар тадбиркор билан муносабатда ҳуқуқсиз бўлиб қоляпти, тадбиркорлар уларни хоҳлаган пайтда ишдан бўшатишлари мумкин, ходимларнинг пенсия ёшига етганда қилган меҳнатларига яраша нафақа олишлари қафолатланмаган.

Шундан келиб чиқиб, биз иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларда ходимнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш, у билан меҳнат муносабатларини расмийлаштирмагани, ходим меҳнатига ҳақ тўлаш, ижтимоий суғурта қилиш, пенсия таъминоти талабларига риоя қилмагани ва уларни бузганлиги учун иш берувчилар жавобгарлигининг кучайтирилиши билан бирга жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш тарафдоримиз.

Биз аҳолининг барча ижтимоий қатламлари ўз вақтида, муносабатли равишда таъминлаш тарафдоримиз. Шу маънода, мустақиллик йилларида Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилаётган маблағлар улushi салкам 2 баробарга оширилган, амалдаги охириқабатли ислохотлар ва уларнинг натижалари, эришилган улкан марраларни эътироф этган ҳолда, ушбу соҳани янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади, деб биламиз. Зеро, халқи, фарзандлари соғлом ва баркамол мамлакат қучли ва қудратлидир.

Аҳолининг кенг қатламларига қўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтириш, дори воситаларини ноқонуний айлишни, қалбақлаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғуруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари эътиборимиз марказида бўлади.

Аҳолининг кенг қатламларига қўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтириш, дори воситаларини ноқонуний айлишни, қалбақлаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғуруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари эътиборимиз марказида бўлади.

Мамлакатимизда қулай бизнес муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига биз, биринчи навбатда, ёшлар ва аёллар, коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Наримон Умаровнинг Ўзбекистон «Адолат» СДП VIII Қурултойидаги маърузаси

Давоми. Бошланғичи 1-2-бетларда

Бугунги кундаги мавжуд баъзи чекловлар туфайли мамлакатимизнинг тиббиёт соҳасидаги салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмайпти, фуқаролар айрим тиббий муолажаларини ўтказиш учун хориждаги тиббиёт муассасаларига мурожат этишга мажбур бўлмоқдалар.

Бу эса аҳолининг асосий қисмини замонавий ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш хизматларидан маҳрум этмоқда, мамлакатимиз тиббиёт соҳасининг илғор жаҳон тажрибасидан орта қолганига, юқори малакали врачларнинг хорижда ишлашига, қолаверса, валютанинг четга чиқиб кетишига замин яратмоқда.

Шу сабабдан, биз аҳоли ўртасида талаб юқори бўлган тиббиёт муолажаларига, хусусан трансплантологияга, ЭКУ (экстракорпорал уруғлантириш) ва бошқа замонавий тиббий хизматларга рухсат бериш тарафдоримиз. Қолаверса, хорижий етук тиббиёт марказлари билан ҳамкорлик ўрнатишга, чет эл врачларини Ўзбекистоннинг тиббий муассасаларида жарроҳлик операциялари ўтказиш амалиётини кенгайтиришга, уларни доимий асосда ишга таклиф қилиш орқали миллий мутахассисларимизнинг мадақсиди оширишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Биз хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги кенг қўламли ислохотларни босқичма-босқич давом эттириш тарафдоримиз. Хотин-қизларнинг янада чуқур билим ва касб маҳоратига эга бўлишлари учун кенг имкониятлар яратиш, меҳнат бозорига, уларга имтиёзлар, бериш,

иктидорли ҳамда юқори малакали, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлганларини давлат бошқаруви органларининг барча соҳаларига ва бўйинларига жалб қилиш масалаларига устувор вазифалар сифатида қараймиз.

Биз, шунингдек, **уй-жой сотиб олиш ва қуриш** учун ажратилаётган ипотека кредитлаш жараёнини такомиллаштириш ва фойзаларини оптималлаштириш, **уй-жой-коммунал комплекси ишини янада яхшилаш**, аҳоли учун белгиланаётган коммунал тўловлар миқдорини доимий назоратда тутиш, бу соҳаларда аҳолига хизмат кўрсатиладиган муқобил ташкилотлар ўртасидаги рақобатни ошириш тарафдоримиз.

Хурматли делегатлар!
Биз замонавий, юқори интеллектуал кадрлар — **жамият барқарор ривожланишининг кафолати**, деган ғояга таянган ҳолда таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратамиз.

Бугун биз XXI асрда — интеллектуал меҳнат билрамчи аҳамият касб этаётган глобаллашув ва интернет асрида, жаҳон бозорида рақобат курашининг микёси ва кескинлиги тобора ортиб бораётган бир даврда яшаётганимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

Шу маънода инсон капитали мамлакатнинг муҳим миллий бойлигидир ва биз унинг ҳар томонлама кўпайиши ва тарққий этиши, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган, профессионал тайёргарликка эга, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган, юртимиз ва халқимиз манфаатларига садоқатли янги авлод кадрлар

рени тайёрлаш масаласи принципнол ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб биламиз.

Афсуски, ҳозирда таълим соҳасида ютуқлар билан бир қаторда айрим камчилик ва муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда.

Хусусан, бугунги кунда олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда квоталарнинг мавжудлиги сабабли аҳолининг олий таълим билан камраб олиниш даражаси бор йўғи 9 фоизга тенг. Бизнинг фикримизча, бу етарли эмас.

Модомики биз ўз олдимизга саноати юқори ривожланган, иқтисодиёти фан-техника ютуқлари ва инновацияга асосланган, демократик, ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, олий мактабларни тамомлаган, замонавий билимга, кенг дунёқарашга эга малакали кадрларни кўпроқ тайёрлашга эътибор қаратишимиз лозим. Чунки олий маълумотга эга инсон давлатдан иш сўраб, ёрдам кутиб ўтирмайди, балки ўзининг ташаббускорлиги, зукколиги ва ундабунроғлиги, янгилликка интилувчанлиги билан янги иш ўринлари яратади, мамлакатнинг ривожланишида фаол иштирок этади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, биз аҳолининг олий таълим билан камраб олинишини кенгайтириш, қолаверса таълим ва тарбия соҳасида узвийликни таъминлаш мақсадида қуйидаги масалаларни устувор вазифалар сирасига киритамиз:

— халқ таълими тизимидаги ислохотларнинг давомий сифатида педагог-муаллимлар меҳнатини рағбатлантириш, ўқитувчилик касби нуфузини ошириш, умумтаълим мактабларида ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларининг қарор топишига эришиш; синфлардаги

ўқувчилар сонини оптималлаштириш, электрон ўқув-таълим дастурлари ва мультимедиа махсулотлари миқдори ва сифатини ошириш, таълим муассасаларида тиббий хизмат даражасини юксалтириш;

— келажакда мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, “инновацион ва билим иқтисодиёти”га ўтиш аҳтиёжлари ҳамда аҳолининг демографик ўсиши ва бошқа жараёнларни инобатга олиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг олий таълим билан қамралганлигини босқичма-босқич ошириш бориш, давлат ва ҳуқуқий сектор маблағлари эвазига таълим грантлари ажратилиши тизимини такомиллаштириш;

— олий таълим муассасаларига қабул қилишдаги квоталар тизимини қайта кўриш ва иқтидорли ёшларни танлаб олиш сифатини ошириш, таълим сифатига қўйилаётган талабни кучайтириш;

— хорижий олий таълим муассасаларини тамомлаган олий маълумотга эга фуқароларимиз дипломларини нострификациядан ўтказиш тизимини соддалаштириш. Хусусан, халқаро ташкилотлар томонидан ҳар йили дунёда энг илғор деб топиладиган олий таълим муассасаларининг дипломларини автоматик равишда нострификациядан ўтказиш;

— ҳудудларнинг муайян иқтисодий ихтисослашувида ва устуликларидан келиб чиққан ҳолда пойтахтда жойлашган олий таълим муассасаларини тегишли ҳудудларга босқичма-босқич кўчириш;

— олий таълим муассасаларини корпоратив турдаги олий таълим муассасаларига айлантириш орқали уларнинг соҳавий ихтисослашувини кучайтириш;

— ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирламчаларининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илмий изланиш ва ишланмалар рақобатдошлигини кучайтириш;

— меҳнат ресурсларининг иш бевруви ва бозор талабларига тезроқ мослашини қўмақлаш мақсадида қисқа муддатли ўқувларни ташкиллаштирувчи давлат ва нодавлат касб таълими тизимини янада ривожлантириш.

Азиз партиядошлар!

Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ташки сиёсат масалалари, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эгадир. Биз **тинчликпарвар, прогрессив ташки сиёсатни миллий манфаатлар устуворлиги сифатида баҳолаймиз.**

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига интеграциясини янада чуқурлаштириш, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирокни кучайтиришни долзарб вазифа, деб биламиз.

Биз Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсий фаолияти концепциясига асосланиб, жаҳон ҳамжамияти билан икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб ривожлантириш тарафдоримиз.

Биз бундан кейин ҳам мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш, ҳеч қандай ҳарбий блокларга ва коалицияларга қўшилмаслик, ҳарбий мақсадларни назарда тутувчи ҳаракат ва ташкилотлар билан алоқа ўрнатмаслик, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқаларини мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлашда муҳим

аҳамиятга эга бўлган Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташки сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади.

Биз халқаро демократик жамиятнинг БМТ тизимини кучайтиришга йўналтирилган сайё-ҳаракатларини янги демократик дунёвий ҳамжамият яратиш томон ташланган муҳим қадам сифатида қўллаб-қувватлаймиз. Бундан кейин ҳам ядро қуролларисиз дунё, Марказий Осиёда ядро қуролларидан холи худуд барпо этиш ғояларини илгари суришни давом эттирамиз.

Шу билан бирга, БМТнинг Барқарор ривожланиш дастури доирасидаги ижтимоий ва гуманитар лойиҳаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш устувор вазифамиздир. Ушбу масалаларни ҳал қилишда БМТнинг ихтисослашган институтлари (ЮНЕП, ХМТ, Тараққиёт дастури ва бошқалар) билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ижтимоий соҳага доир дастурларни ҳамкорликда амалга оширишда фаол иштирок этишни қўллаб-қувватлаймиз.

Хурматли Қурултой иштирокчилари!

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти бунёд этишдек кенг қўламли мақсадларимизни амалга оширишда бўлажак сайловни юқори ташкилий ва сиёсий даражада, демократик халқаро стандартлар асосида ўтказиш учун барчамиздан фидойилик, уюшқоқлик ва катта масъулият талаб этилади.

Ўйлаймизки, бу жараёнда ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб партиямизнинг муносиб катнашишини таъминлаймиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Муҳим сиёсий тадбирда муносиб иштирок этиш ҳар биримиздан фаоллик ва ташаббускорликни талаб этади

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Шунингдек, Қурултойда “Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Уставига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги масала ҳам делегатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Қурултой якуни бўйича журналистлар учун ташкил этилган брифингда партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов ахборот берар экан, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси мамлакатимиз келажакдаги муҳим сиёсий тадбирда ўз номиди билан иштирок этиш жараёнида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосидаги ҳуқуқий демократик давлат, маънавий жиёлашган адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш тарафдори эканлигини қайд этиб ўтди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



СЎЗ — ҚУРУЛТОЙ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ёрнат ХОЛИЁРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:



Ҳар бир сиёсий партия қонунчиликлари белгиланган вақолатдан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда иштирок этишни мақсад қилар экан, ушбу лавозимга ўз электорати, аъзолари ва хайрихоҳларининг ҳоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, энг муносиб номзодни танлаш ва кўрсатиш долзарб масала ҳисобланади.

Шу нуқтага назардан, бугунги Қурултойимизда кўн минг кишилик партиямиз аъзолари орасидан энг муносиб, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган партиямиз Сиёсий Кенгаши раиси Умаров Наримон Маджитовични Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига номзод сифатида кўрсатилгани тўғрисида қарор бўлди, деб ўйлайман.

Чунки, партиядошларимиз Наримон Умаровни кўп йиллик ҳаёт тажрибасига эга инсон, профессионал раҳбар ва сиёсий етук мутахассис сифатида яхши билишди. У киши жонқур раҳбар сифатида партиямиз Сайловдодли дастурида белгиланган ғоя ва мақсадларни ҳаётга кенг жорий қилишга қаратилган ташаббуслари ҳамда ёшу қари ва барча тоифадаги фуқаролар билан уларга хос бўлган оддий тилда сўзлаша олиши ҳисобида электоратимиз ва сайловчилар орасида ҳурмат, эътиборга сазовор бўлиб келмоқда.

Номзодимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги

фракцияимизнинг раҳбари сифатида қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил жараёнларида чуқур билим ва ҳаётий тажрибаси, ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилиятларини намойён қилиб келмоқда. У кишига хос бу каби хусусиятлар партиямиз дастурида белгиланган устувор вазифалар доирасида қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишида яққол намойён бўлмоқда. Бунга мисол сифатида яқинда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилинишида хиссалари катта бўлганлигини айтиш жоиз.

Наримон Умаров раҳбарга хос шижоат ва ҳамма масалаларга ўз вақтида ҳамда ишонч билан ёндашиш қобилиятига суяниб мамлакатимизнинг узок тоғли худуди Олтинсой тумани сайловчиларининг электр таъминоти масаласидаги мурожаатларини Вазирад Мақсасидан билан ҳамкорликда биринчилардан бўлиб инновацион ечим қўллаш ҳисобига, яъни қуёш батареяли электр энергияси ишлаб чиқариш қурилмасини Халқ банки истезмол кредити ҳисобига ҳал этиш механизмининг ишлаб чиқди ва бугунги кунда маъзур амалиёт ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Қолаверса, Наримон Умаров ҳозирда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат-ношжорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил — Омбудсман фаолиятига масъул сифатида самарали иш олиб бораётгани ҳам у кишининг серкирра раҳбар эканлигидан далолат беради.

Ўз навбатида, Наримон Умаровнинг нафақат сиёсий етаци, балки технократ, ўз мутахассислигининг чуқур билимдон, Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароитини, экологиясини, кишлоқ хўжалиги ҳамда иқтисодиёт тармоқларини ва ижтимоий соҳаларни чуқур биладиган, ушбу йўналишлар

даги долзарб масалалар ечимига мақбул таклиф ва ташаббусларни илгари сурган етук олим сифатида жамоатчилик яхши танийди.

Шухрат ПОЛВОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:



Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатилган Наримон Умаровнинг биз 2013 йилдан партиямиз Сиёсий Кенгаши раиси, 2015 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты ҳамда фракцияимизга раҳбар сифатида самарали фаолият юритиб келаяётганини яхши биламиз.

Буни биргина, Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси фаолияти мисолида айтиб ўтадиган бўлсак, фракцияимиз таркиби бошқа партиялар фракцияларига нисбатан кам сонли бўлишига қарамастан, у кишининг тажрибали раҳбар сифатида ташкилотчилиги, талабчанлиги ҳамда бир жамоа бўлиб жинслагани олиши натижасида фракцияимиз фаолияти бугунги кунда сифат жиҳатдан янада яхшиланиб, қонун ижодкорлиги жараёнидаги фракциялараро рақобатда ўзини тўлақонли намойён этмоқда.

Хусусан, парламентдаги “Демократик кучлар блоки”га нисбатан ўзини муҳолифат, деб эълон қилган фракцияимиз “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурий ғоя ва вазифаларини рўёбга чиқариш мақсадида қонун

лойиҳалари муҳокама ва парламент эшитувларида ўзининг позицияси таклифларини дадил олға суриб келмоқда. Агар бунга рақамларда ифода этилган бўлсак, Наримон Маджитович раҳбарлигида ўтган кеска даврда Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзолари 60 га яқин қонун лойиҳаларига масъул, 10 дан ортик қонун лойиҳаларига ташаббускор бўлди.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси янги мажлисда бир нечта қонунлар қатори илк маротаба парламентдаги муҳолифат саналган Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси ўз вақолатларидан фойдаланган ҳолда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритишга муваффақ бўлди.

Таъкидлаш лозимики, маъзур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида мавжуд норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар маънавий фойдаланувчиларнинг, шу жумладан, ижрочилар ва аҳолининг тезроқ ва сифатли фойдаланишини таъминлашга қаратилганлиги билан эътиборлидир.


Бундан ташқари, ушбу даврда фракцияимиз назорат-таҳлил фаолияти ҳам кучайди. Хусусан, фракцияимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг тегишли масалалар бўйича ахборотига оид парламент эшитувлари ўтказилди ва ижро органларига тегишли топшириқлар берилди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП фракциясининг ана шундай ижобий натижаларга эришишида, шубҳасиз, партия Сиёсий Кенгаши раиси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Наримон Умаровнинг хизматлари бекиндир.

Давоми 4-бетда

Мухим сиёсий тадбирда муносиб иштирок этиш ҳар биримиздан фаоллик ва ташаббускорликни талаб этади

Давоми. Бошланғич 1-3-бетларда



Асрор ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Бухоро вилоят кенгаши
раиси:

— Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимизга янада тўқис, фаровон турмуш шароитларини яратиш, мамлакатимиздаги иқтисодий-иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий соҳалардаги ислохотларда фаол иштирок этишни ўзининг асосий мақсади, деб билар экан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловда

хам бошқа сиёсий партиялар билан бир каторда муносиб иштирок этмоғи лозим.

Бу орқали биз партияимизнинг халқимиз орасидаги нуфузини янада мустаҳкамлаш имконига эга бўлиш билан бирга, партияимизнинг Сайловдаги дастурида белгилаган мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ қилиш, уларнинг самарали ижросини таъминлаш масалаларида муҳим кадам ташлаган бўламиз.

Шу маънода, ушбу сайловда партияимиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатилган Наримон Умаров нафақат партияимизнинг дастурий ғоя ва мақсадларини рўйбга чиқаришга қодир етакчи, балки мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий ҳаётига, халқимизнинг эртанги тақдирига дахлдор масалаларини ҳал қилишда муҳим ўзгаришларни, фуқаролик позициясига эга шахс, масъулиятли, халқпарвар ва жошқар раҳбар сифатида ушбу лавозимга ҳар томонлама лойиқ, деб биларман.

Наримон Умаров раҳбарлигида ўтган йилларда партия фаолиятини такомиллаштириб, бу борада катта-катта партиявий лойиҳалар, акциялар ва тадбирлар амалга оширилди. Биз бу кишини ҳодимларга партияимиз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аниқ вазифаларини белгилаб берадиган, уларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишини назоратта оладиган масъулиятли раҳбар, фидойи инсон сифатида яхши биларимиз. Айниқса, охириги икки йил давомида партияимиз аъзолари сони 30 фоизга кўпайганининг ўзи кўп нарсани аниқлатади. У кишининг раҳбарлигида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида жойлардаги муаммолардан келиб чиқиб масалаларни киритиш, депутатлар сўровларининг ошиб бораётганлиги, ҳудудий иқтисодий-иқтисодий дастурлар ижросини таъминлаш билан партия фаолларининг иштирокига эътибор берилаётганлиги диққатга сазовор.

Шу билан бирга, ўтган йиллар мобайнида партияимиз мафкуравий ва ташкилий жиҳатдан бирмунча мустаҳкамланди. Айниқса, партия тизимида фаолият юритаётган кадрларга бўлган эътибор кучаймоқда. Биргина, жорий йилнинг ўзида партиянинг 30 дан ортиқ ҳодимларини қайта тайёрлаш ва маълумоти ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентлиги ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ташкил этилган махсус ўқув курсларида маълумотларини оширишлари юқоридаги фикримизнинг далили бўла олади.

Партия тизимида замон талабларига мос юқори салоҳиятли, ўз сиёсий позициясига эга раҳбар ва масъул ҳодимларнинг фаолият юритишига эришиш мақсадида ўтган йил охири ҳамда жорий йилнинг бошларида аттестациялар ўтказилди. Бунинг натижасида партияимиз тизимида кадрлар кўпимчасининг олдини олишга эришилмоқда. Наримон Умаровни бу каби амалий ишларнинг бевоисита ташаббускори сифатида баҳолайман.

Ушбу Қурултой “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурий ғояларини жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш, мамлакатимиз сиёсий майдонидаги мавқени ҳамда аҳоли орасидаги образини янада ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини самарали ташкил қилишда муҳим кадам бўлди.

Мақсуд ТУРАЕВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби:



— Партияимиз фаоллари ҳамда электротизимиз вакилларининг хоҳиш-истаклари билан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатилган Наримон Умаров ҳақида кўп гапириш мумкин.

У кишининг кўп йиллик меҳнат фаолиятида оддий илмий ҳодимликдан раҳбарликка қадар босиб ўтган самарали йўли, инсоний қасдлари ҳамда бой ҳаётий тажрибаси, билими ва салоҳияти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод сифатида тўғри танланганлигини далил беради.

Жумладан, Наримон Умаров партия раҳбарлигида тайёрланган дастлабки кунларданок, биринчи навбатда, партиянинг марказий органлардан тортиб энг куйи тузилмаларигача ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга эътибор қаратиб келмоқда. Бунинг натижасида ўтган йилларда партиянинг барча туман ва шаҳар кенгашларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Яъни ҳар бир кенгаш ўз офисида эга бўлди, компьютер ва бошқа техник воситалар, тарғибот материаллари билан тўқик жиҳозланди. Бир сўз билан айтганда, партиянинг қуйи ташкилотларини кучайтириш орқали биз республикамиздаги ҳар бир қишлоқ, овул, маҳалла ва ҳонадонларга кириб бориш, аҳолининг барча иқтисодий катламлари билан мулоқотга киришиш имкониятига эга бўлди.

Номзодимиз раҳбар сифатида партиянинг айнан ёшлар селасига доир сый-ҳаракатларига алоҳида эътибор билан ёндашиб, бу борадаги барча ташаббусларимизни ҳамisha қўллаб-қувватлаб келаётгани ҳам биз, ёшлар учун аҳамиятлидир.

Бунинг натижасида ҳозирда партия аъзоларининг қарийб 50 фоизини, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий вакиллик органларидаги депутатларнинг 20 фоизини, партия Марказий аппарати, ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотларида фаолият юритаётган партия ҳодимларининг 45 фоизини 35 ёшгача бўлган кадрлар ташкил этаётганига қўришимиз мумкин.

Номзодимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида ҳам ўтган даврдаги фаолияти давомида ўз сайловчилари ишончини оқлаб келмоқда. Сайлов округида аҳоли билан бўлиб ўтадиган уршувларда шахсан иштирок этиш асосида шунга гувоҳ бўлганманки, улар ўз депутатларига қаттиқ ишонмади, у кишини ўз муаммоларини, дардларини эркин айтишди. Бу ҳам Наримон Умаровнинг одамлар калбига йўл тона олгани ва уларни ўйлантираётган масалаларга



Суратлар муаллифи Ф.ЖУРАЕВ ва О.ГУЛОМОВ Э.А.

бефарқ эмаслигидан далolat беради. Ана шу каби фазилатлари, кадрлар билан ишлаш борасидаги бағрикенглик ва устозларга хос ғамхўрликка сабаб Қурултойда Наримон Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатилди ва у кишининг номзоди барча делегатлар томонидан бир овоздан маъқулланди.



Кодир ЖУРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:

— Хар бир сиёсий партия демократия кўзгуси бўлган сайловларда иштирок этар экан, ўзининг ғояси, мақсад-муқодаларини акс эттирувчи сайловдаги дастурини ишлаб чиқиши ва шу орқали халқнинг ишончини қозонишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партияимиздан кўрсатилган номзоднинг сайловдаги Дастури билан танишар эканмиз, конституцион ҳуқуқ ҳамда эркинликларни мужассам этадиган ғоялар, улардаги инсонпарварлик ва иқтисодий ҳусуниятлар социал-демократия ва миллий қадриятларимизга мос эканлиги, айниқса, электротизимиз манфаатлари билан ҳамоханлиги гувоҳ бўламиз.

Айниқса, Дастурда ташки сиёсат масаласига устувор аҳамият қаратилган. Хусусан, бутунги кунда бутун дунёда глобаллашув жараёнлари авж олган бир пайтда, хорижий давлатларда юз бераётган қўнғилсизликлар, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар бўлиб тургани барчамизга сир эмас.

Ана шундай шароитда мамлакатимизда тинчлик ва хотиржамликнинг барқарорлиги, миллатлараро тоғувлик ва диний бағрикенгликнинг мустаҳкамлашнинг юртимизнинг халқаро майдондаги образини ва нуфуз орғиб боришига хизмат қилмоқда.

Номзодимизнинг Дастуридан ўрин олган ташки сиёсатнинг асосий тамойиллари миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб, тинчликсевар, прогрессив сиёсат юритишдек ҳаётда ўзини оқлаган инсонпарварлик, мамлакатлараро ва миллатлараро дўстлик, ҳамжихатликка асосланиши билан эътиборимизни тортди.

Хусусан, бундан кейин ҳам мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш, ҳеч қандай ҳарбий блокларга ва коалицияларга қўшилмаслик, ҳарбий мақсадларни назарда тутувчи ҳаракат ва ташкилотлар билан алоқа ўрнатмаслик, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган ғоялар ҳеч қимни бефарқ қолдирмайди.

Айниқса, парламентимиз томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсий фаолияти концепцияси асосланиб, жаҳон ҳамжамияти билан икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб ривожлантириш, яъни қўшни давлатлар билан очик, дўстона ва прагматик сиёсат олиб бориш, минтақамиздаги барча муҳим сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, конструктив мулоқот ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари асосида ҳал этиш, БМТнинг иқтисодий-гуманитар соҳаларга иқтисодлаштирилган институтлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалаларининг номзод Дастурида илгари сурилганлиги мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи янада юксалишига олиб келади.

Ишонимки, партияимизнинг барча депутатлари ҳамда фаоллари сайловдаги ташвиқоти вақтида бу каби юксак ғояларни юқори савияда, маҳорат билан сайловчиларга етказиб, партиянинг Президентлик сайловида муносиб иштирокини таъминлашга интиладилик.

Акмак БУРХАНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси:



— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодимизнинг сайловдаги Дастури ўзида мужассам этган ғояларнинг аниқ кўрсатилганлиги, мақсадларга эришишни мўайян механизмлари акс этганлиги билан аҳамиятлидир.

Айниқса, Дастурда “кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлган жойда қонуни ва адолат тамойиллари устувор” эканлиги алоҳида таъкидлангани ва бу мақсад йўлида, энг аввало, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, суд жараёни ишгироскиларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, адвокатурани институту ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтирилиши, адвокатларнинг солиқ юки енгиллаштиришига эришиш устувор вазифа бўлиб қолиши партияимиз электротизим манфаатларига тўла мос келади.

Дастурда илгари сурилган “жамият аъзоларининг Конституцияимиз ва қонунларимиз ижросига бўлган ишончи — уларнинг эртанги кунга бўлган ишончидир” деган ҳаётбахш ғоянинг сайловчилар ўртасида самарали тарғиботи жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Умуман, бошқа партияларга нисбатан бизда алоҳида қайд этиш лозим бўлган ютуқ бор. Бу — “Адолат” деган номдир. Партияимиз номининг ўзи жоғобдор. Сайловчилар жалб этади. Адолат ғояси халқимиз суйган жоғдир.

Айни шу сабабдан ҳам биз бор эътиборимизни адолат ғояси акс этган сайловдаги Дастурга боғлиқ жараёнларга

жамоатчилик тузилмаларини — партиянинг “Аёллар қаноти” ва “Ёш адолатчилар” қанотини, биринчи навбатда, барча депутатлик корпусини жалб этишга ҳаракат қилишимиз лозим.



Азма ЗАЙНУТДИНОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Қашқадарё вилоят кенгаши
“Аёллар қаноти” кенгаши
раиси:

— Наримон Умаровнинг сайловдаги Дастурида биз учун ҳамisha устувор тамойил бўлиб келган, социал-демократик платформанинг энг муҳим ғояларидан бири бўлган кучли иқтисодий ҳимоя йўналишида белгилаган мақсад ва вазифалар ҳеч бир сайловдаги бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман.

Жумладан, Дастурда фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий тенглиги, ҳар бир фуқаро қобилияти ва малакасидан келиб чиққан ҳолда меҳнат қилиши кафолатланадиган, меҳнатнинг миқдори ва сифатидан келиб чиққан ҳолда муносиб иш ҳақи ва ҳаёт даражасига эришиши учун кенг ва тенг имкониятлар яратилган иқтисодий давлат қурлиши ғояси мужассамлиги фикримизга далил бўла олади.

Айниқса, бу борада илгари сурилаётган “Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун” тамойилига амал қилган ҳолда турмуш даражаси кўрсаткичларини янада яхшилашнинг муҳим шарт бўлган, кўп йиллик мустақил таракқиётимиз даврида ўзини оқлаган давлат иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиб, ҳаётга самарали татбиқ этиш тажрибасини давом эттириш тақдирини мазкур йўналишдаги мақсадларимизнинг туб моҳиятини ташкил этади, десак тўғри бўлади.

Шунингдек, номзодимиз Дастурида бундан кейин ҳам аҳолининг барча иқтисодий катламлари сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини таъминлаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида тиббий хизматлар тизимини кучайтириш, скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини такомиллаштириш, ёшлар ва аёллар, коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш, уларнинг иқтисодий ҳимоясини таъминлаш масалалари эътиборимиз марказида бўлиши белгиланмоқда.

Қолаверса, ушбу йўналишда белгилаган уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ажратилаётган ипотека кредитлаш жараёнини такомиллаштириш ва фонсларини оптималлаштириш, уй-жой-коммунал комплексларни илгари яхшилаш, аҳоли учун белгилаётган коммунал тўловлар миқдорини доимий назоратда тутиш, бу соҳаларда аҳолига хизмат кўрсатадиган муқобил ташкилотлар ўртасидаги рақобатни ошириш ҳамда давлат ва ҳусусий бизнес ҳамкорлигини кучайтириш каби вазифалар ҳам Дастурининг муҳим ҳусуниятларидан биридир.

Бундан ташқари, Дастурда хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, уларнинг иқтисодий ҳимоясини кучайтириш борасидаги кенг қўламли ислохотларни босқичма-босқич давом эттириш, уларнинг янада чуқур билим ва касб маҳоратига эга бўлишлари учун кенг имкониятлар яратиш, меҳнат бозорига уларга имтиёзлар бериш, иқтидорли ҳамда юқори малакали, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган аёлларнинг давлат бошқаруви органларининг барча соҳалари ва бўвчиларига жалб қилиш масалаларига устувор вазифалар сифатида қаралиши партияимиз аъзоларининг 52 фоизини ташкил этувчи хотин-қизларнинг ҳеч бирини эътиборсиз қолдирмайди, деб ўйлайман.

Мавлада БЕРДИҚУЛОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Паркент туман кенгаши раиси,
халқ депутатлари Паркент туман
Кенгаши депутати:



— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партияимиз номзоди Наримон Умаровнинг сайловдаги Дастури мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритадиган бўлсак, унда партияимизнинг энг устувор ғоя ва мақсадларини, хозирги замоннинг энг долзарб вазифаларини акс эттирилган.

Жумладан, ҳозирда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган ўзгариш ва тенденциялардан келиб чиққан ҳолда инновацион иқтисодиётга барқарор таракқиёт ва мамлакат рақобатбардошлигини гарови сифатида таъриф бериладигани ҳамда ушбу йўналишда долзарб вазифалар белгилаганлиги номзодимиз Дастурининг ўзига хос жиҳатларидан биридир.

Ҳақиқатан ҳам, янги технологияларга асосланган иқтисодиёт давлат қудратини оширади, халқимиз фаровонлиги ва жамиятимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Шу мақсадда Дастурда ушбу соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, мамлакатда инновацион тизим яратилишини ҳар томонлама рағбатлантириш, мавжуд махсус индустриал зоналар фаолиятини кенгайтириш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ҳамкорлигини кучайтиришга доир белгилаган вазифалар ҳам айнан бутунги кун талабларидан келиб чиққан.

Қолаверса, номзодимиз Дастурида бошқа сиёсий рақобатчиларимиз дастурларида учрамайдиган, биз учун ҳамisha ушбу йўналиш бўлиб келган жоғобдор ғоя ва тақдирлар борки, бу ҳам сайловчиларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

Хусусан, иқтисодиётга энергия тежамкор замонавий технологияларни кенг жорий этиш, муқобил энергия манбала-

ридан самарали фойдаланиш орқали рақобатбардош энергия бозорини яратиш, “янги иқтисодиёт”га ва унга мос технологияларга ўттиши давлат томонидан кенг рағбатлантириш каби долзарб вазифалар ва уларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари тақдир этилаётгани номзодимиз Дастурининг аҳамиятини янада оширади.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
халқ депутатлари Тошкент
шаҳар Кенгаши депутати:



— Номзодимизнинг сайловдаги Дастури билан танишар эканмиз, унинг ҳар томонлама мукаммал тайёрланганлиги, унда илгари сурилган мақсад ва вазифалар ҳар бир юрдошимизни қизиқтириши, мамлакатимизни янада таракқиёт этиришга қаратилган илғор ғоялар билан суворилганлиги гувоҳ бўламиз.

Айниқса, Дастурда таълим соҳасини янада ривожлантириш борасида илгари сурилган истиқболли тақдирлар ҳеч қимни бефарқ қолдирмайди. Жумладан, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган, профессионал тайёргарликка эга, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни ҳал этишга қодир янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи принципнол ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бу борада таълим ва тарбия соҳасида узвийликни таъминлашга қаратилган устувор вазифалар ўзининг ҳаётлиги ва долзарблиги билан қимматлидир.

Хусусан, Дастурда белгилаган мактабгача ёшдаги болалар, айниқса, қишлоқ жойлардаги болаларнинг мактабгача таълим муассасалари томонидан кенгрок қамраб олиншини таъминлаш ва бу кўрсаткични босқичма-босқич ошириб бориш тақдирини ёш болали оилаларнинг, аёлларнинг қизиқишига сабаб бўлиши шубҳасиз.

Бундан ташқари, халқ таълими тизимидаги ислохотларнинг узвий давомий сифатида педагог-муаллимлар меҳнатини рағбатлантириш, ўқитувчилик касби нуфузини ошириш, умумтаълим мактабларида иқтисодий адолат ва тенглик тамойилларининг қарор топишига эришиш, синфлардаги ўқувчилар сонини оптималлаштириш, таълим муассасаларида тиббий хизмат даражасини юксалтириш каби мақсадлар ҳам айни бутунги замон талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққанлиги ҳамда электротизимнинг асосий вакиллари бўлган педагогларнинг манфаатларини ифода этганлиги билан аҳамиятлидир.

Қолаверса, ўрта махсус касб-хуна таълимини ҳам кадрларга бўлган талабдан келиб чиқиб оптималлаштириш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлигини босқичма-босқич ошириб бориш, яъни олий таълим муассасаларига қабул қилишдаги квоталар тизимини қайта қўриш ва иқтидорли ёшларни танлаб олиш сифатини ошириш, таълим сифатида қўйилаётган талабни кучайтириш, хорижий олий таълим муассасаларини таъминлаш олий маълумотга эга фуқароларимиз дипломларини нострификациядан ўтказиш тизимини соддалаштириш, ҳудудларнинг муайян иқтисодий ихтисослашувидан ва устулликларидан келиб чиққан ҳолда пойтахтда жойлашган олий таълим муассасаларини тегишли ҳудудларга босқичма-босқич кўчириш каби илғор ташаббус ва ғоялар халқимизга, албатта, манзур бўлади, деб ўйлайман.

Ривож ОТАРБОЕВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Қорақалпоғистон Республикаси
кенгаши раиси ўринбосари:



— Номзодимиз Дастурида мамлакатимизда асрлардан буён ёнма-ён яшаб келаётган турли миллат ва элатларнинг хилма-хиллигини муштарак ҳолда сақлаш ва бағрикенгликни янада ривожлантириш, юртимизда миллатлараро ва динлараро муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва уйғун ривожлантириш, миллий ва маданий марказлар фаолиятини кенг ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатлар вакилларининг миллий урф-одатлари сақланиб қолганига муҳим масала сифатида қаралаётгани меннинг алоҳида эътиборимни тортди. Зеро, “Бирдамлик” социал-демократиянинг асосий шорларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, демократик жамиятнинг матбуот эркинлигини, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ва сайлов эркинлигини тасаввур қилиб бўлмайди.

Шу нуқтага назардан, номзодимиз Дастурида бу борада илгари сурилган масалалар мени шoir ва иждокор сифатида ҳам алоҳида эътиборимни тортди. Яъни мамлакатимизда ахборот соҳасини янада демократлаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш ахборот соҳасида рақобат муҳитини янада кучайтириш, олиб бориладиган ислохотларнинг, давлат ички ва ташқи сиёсатининг очик ва ошкоралигини таъминлашда ОАВнинг фаоллигини ошириш, ҳокимият ва жамоатчиликнинг изчил алоқасини таъминлашда ОАВнинг ролини янада кучайтириш, уларнинг моддий-техник базасини янгиллаш, технологик модернизация қилиш, журналист касби нуфузини ошириш, соҳа ҳодимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш каби устувор вазифаларнинг қўйилиши мен каби иждокор ва журналистларни бефарқ қолдирмайди.

Эндиликда, олдимизда турган муҳим масала, айнан шу ғоя ва мафқурани ўзида мужассам этган сайловдаги Дастурини содда ва халқона тилда халқимиз эътиборига етказишдир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партияимиз номзодимизнинг сайловдаги Дастури мазмун-моҳиятини сайловчиларимиз орасида тарғибот-ташвиқот ишларини республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказишимиз лозим. Бунинг учун барча ҳудудий партия ташкилотларимиз, партияимиз электротизим ва аъзоларидан сикидилдан хизмат қилиш талаб этилади. Айниқса, сайловдаги ташвиқоти вақтида ҳар бир ишончли вакил Дастурдаги ғоя ва мафқурани сайловчиларга юқори савияда, маҳорат билан етказса, муҳим сиёсий тадбирда партияимизнинг муносиб иштирокини таъминлаган бўламиз.

“Adolat” мухбири
Илёс САХАТОВ тайёрлади.

САЙЛОВ — 2016

Нукусда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик жараёнига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

МУҲИМ ЖАРАЁНГА ТАРАДДУД

1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси ҳузуридаги матбуот марказида ташкил этилган анжуманда округ сайлов комиссияси раиси Улуғбек Жалмонов округ сайлов комиссияси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонулар асосида олиб борилаётган ташкилий ишлар ҳақида атрафлича маълумот берди.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига ўтказувчи 590 сайлов участкаси тузилиб, уларнинг жойлашган манзили, чегараси ва сайловчилар сони ҳақидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида эълон қилинди.

Хар бир сайлов участкаси сайловчилар учун хар томонлама қулай ва замонавий бинода жойлаштирилиб, алоқа воситалари, кўргазмалар куруллар, зарур адабиётлар, матбуот нашрларининг янги сонлари билан тўлик таъминланмоқда. Сайловларни миллий қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган тенглик, ошкоралик ва халқаро демократик тамойилларга мувофиқ ўтказишни ташкил этиш, сайловчиларга қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Округ сайлов комиссияси томонидан 67 нафар оммавий ахборот воситалари ходими рўйхатга олинди, матбуот марказида уларнинг самарали фаолият юритиши учун барча қулайлик яратилди, — дейди округ сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Даут Қурбониев. — Бугунги тадбирда журналистлар сайлов жараёнига оид ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири

Кузатувчилар миллий сайлов тизимимизга ижобий баҳо берди



Давоми. Бошланғич 1-бетда

Шу билан бирга, меҳмонлар сайловда кампаниясининг бориши, “Адолат” СДП томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича ишлар қандай ташкил этилаётгани ҳамда бу йилги сайловнинг аввалгиларидан фарқли жиҳати билан қизиқди.

Учрашувда Марказий штаб раҳбари, “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари А.Раҳмонов Ўзбекистон қонунчилигида сайловга оид умумэтироф этилган нормалар ўз ифодасини топтириши, сайловлар халқаро принципал асосида ўтказишни, сайловда барча сийёсий партиялар учун тенг шароитлар мавжудлиги ҳақида тўхталиб, мамлакатимизда ўтказилган сайловларда тўпланган бой амалий

тажриба ҳамда халқаро сайлов стандартларига асосан миллий сайлов қонунчилигини демократик ислохотларга мос тарзда такомиллаштирилиб борилаётганига миссия делегациясининг эътиборини қаратди.

Жумладан, 2015 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар миллий сайлов қонунчилигини демократик тамойиллар асосида янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда Марказий сайлов комиссияси мустақил, конституцион орган сифатида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчилик билан такомиллаштирмоқда.

Марказий сайлов комиссияси сийёсий партияларнинг кузатувчилари то-

монидан олдинги сайловларда йўл қўйилган камчиликлар, орттирилган тажриба эвазига маҳаллий кузатувчилик институтини янада ривожлантиришга қаратилган низом, фуқароларнинг сийёсий маданиятини оширишга мўлжалланган дастур ва бошқа катор ҳужжатлар қабул қилганлиги бу йилги сайловга алоҳида тайёргарлик кўрилганидан далолат беради.

Сухбат жараёнида ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгаришлар, хусусан, сийёсий партиялар томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентини номзодини қўллаб-қувватлаш учун сайловчиларнинг зарур имзолари 5 фойдан 1 фойзга камайтирилганлиги ҳамда сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик қучайтирилганлиги каби ўзгаришларни тинглаб, уларни ижобий баҳолади.

Миссия раҳбари Ўзбекистоннинг сайлов бўйича мустақил конституцион орган сифатида Марказий сайлов комиссияси фаолиятини, унинг сайловлар очкичилиги ва ошкоралиги, шаффофлиги ва демократиклигини таъминлашдаги ролини эътироф этди.

Учрашув якунида Александр Шлик дўстона қабул учун ташаккур билдириди ва партияга сайловда муваффақият тилади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП
Матбуот хизмати

ХУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳуқуқлари ҳақида маълумот берсангиз.

Э.ДАРВЕШЕВ,
Сурхондарё вилояти

— “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 28⁵-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари белгиланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинганларнинг ҳаммаси тенг ҳуқуқларга эгалиги қайд этилган.

Шунингдек, ишбу қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловда йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшитишларида қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (шаҳар йўловчилар транспортдан, таксидан ва транспорт бошқа турларининг бунортма йўналишларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан берилган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори бунга розилик берган тақдирда Марказий сайлов комиссиясини дарҳол хабардор этади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни мажбурий келтириш, шунингдек, унинг шахсий буюмларини, юкини, транспортини, турар жой ва хизмат биноларини кўриқдан ўтказишга йўл қўйилмайди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда Президентликка номзодларни рўйхатга олиш мuddати қачонгача? Қандай тоифадаги шахслар номзод сифатида рўйхатга олиниши тақдирланади? Шу ҳақида маълумот берсангиз.

Н.АСАДОВА,
Тошкент шаҳри

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинган шахсга қонунга мувофиқ рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик мuddат ичида Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини, иш ва яшаш жойини, шунингдек, уни номзод этиб кўрсатган сийёсий партияни кўрсатган ҳолда эълон қилади.

Қуйидагилар: қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар; ўзларига нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги муносабати билан қонун томонидан таъқиб этилаётган фуқаролар;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

— Президентликка номзодлар сайлов кампанияси даврида ўз шахсий маблағларидан фойдаланишлари мумкинми?

Р.ИНОФОМОВА,
Тошкент вилояти

— “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва ўзга тарзда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Демак, Президентликка номзод сайлов кампанияси даврида ўзининг шахсий маблағларидан фойдалана олмайди.

Саволларга ҳуқуқшунос
А.РАҲМОНОВ жавоб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ташкил этиш тартиби

(2-мақола)

Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш, либераллаштириш ва сайлов амалиётини такомиллаштиришнинг тўртинчи босқичи (2010 йил ва бугунги кунга қадар) — бу мuddат мамлакатимизда фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш давом эттирилиб, мазкур ислохотлар доирасида 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)“ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг доимий фаолият юритувчи конституциявий орган сифатида мақоми ва фаолиятининг асосий принциплари мустаҳкамлаб қўйилди. 2014 йил 4 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига сайлов қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик тартиби ва асослари белгилаб қўйилди.

2015 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тўғрисида”ги қонунга бир қанча ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкаларини ташкил этиш, номзодларни рўйхатга олиш учун тўпланган сайловчилар имзоларининг миқдорини камида беш фойдан бир фойзга камайтириш, сайловда ташви-

котини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгиланиши, овоз бериш тартибига ўзгариш киритиш каби янги қоидалардир.

“Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, 18 ёшга тўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига катнашиш ҳуқуқига эгадир. 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши билладиган, бевосита сайловга камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эса Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига сайланиши мумкин. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ, сайлов ва референдум ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тузиладиган ва доимий асосда фаолият кўрсатувчи конституциявий орган ҳисобланади. Қонунга мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси сайлов округларини, округ сайлов комиссияларини, округ сайлов комиссиялари эса сайлов участкаларини, участка сайлов комиссияларини тузади.

Ушбу қоидаларнинг амалий ифодаси сифатида 2016 йил 15 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 14 та сайлов округлари тузилди.

“Ўзбекистон Республикасини Президентини сайловига тўғрисида”ги қонуннинг яна бир аҳамиятли жиҳа-

ти Ўзбекистон Республикасини Президентини сайловда иштирок этувчи сийёсий партияларни ва номзодларни рўйхатга олиш тартиби, мuddатларини, номзодларга қўйилган талаблар ва ҳуқуқларининг кафолатлари мустаҳкамланганлиги ҳам намойён бўлади. Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақатгина сийёсий партиялар эгадирлар.

Мазкур қоида сийёсий партияларни сайлов жараёнининг энг фаол иштирокчиси айлантириб, уларнинг давлат ва жамият ишларида фаолиятини янада оширишга хизмат қилади. 2016 йилнинг 19-20 сентябрь кунлари 4 декабрь кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига катнашиш учун барча сийёсий партиялар Марказий сайлов комиссиясига ўз ҳужжатларини, хусусан, Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбарини томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сийёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотларини тақдим этидилар.

Ушбу қонуннинг яна бир аҳамиятли жиҳати, унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар томонидан сайловда ташвиқоти олиб боришнинг ташкилий ҳуқуқий асослари ва сайловда ташвиқотида тенг имкониятларнинг кафолатланиши ҳам қўринадди. Қонунга мувофиқ, сайловда ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади ҳамда сайлов кунига давом этади. Сайловга бир кун қолганида сайлов ташвиқоти олиб борилишига йўл қўйилмайди. Бу эса сайловчилар то-

монидан ўзи танлаган номзодини яна бир бошқа номзодлар билан солиштириб, яқиний хулосага келишга имконият яратади. Сайловда ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сийёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган давлат оммавий ахборот воситаларида фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан йиғилишларда ҳамда сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади.

Овоз беришни ташкил этиш, сайловчилар ўз хоши-иштакларини яширин билдиришларини таъминлаш, биноларни жиҳозлаш ва уларда зарур тартибни сақлаб туриш учун участка сайлов комиссияси жавобгардир. Хар бир сайловчи шахсан овоз беради, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетенларини тегишли сайлов комиссияси сайлов участкаси сайловчиларининг рўйхати асосида паспорт ёки бошқа гувоҳнома кўрсатилгач беради.

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади, бюллетени тўлдириш вақтида у ерда овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хошига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакиллари билан бошқа бирон кишини кабинага тақлиф қилишга ҳақли. Сайловчиларнинг хоши-ирода билдиришларини назорат этиш катъий ман қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқароларга сайловларда иштирок

этиш учун барча қулайликлар яратиш мақсадида санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, фуқароларнинг олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар жойларида, қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкаларида овоз беришлари мумкин. Бундан ташқари, сайлов кунини истикомат жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз истикомат жойидаги участка сайлов комиссиясига мурожаат қилиб, мuddатидан аввал овоз бериш ҳуқуқига эгадир.

Хусусан, мuddатидан олдин овоз бериш сайловга бир кун қолганида тугалланади. Мuddатидан олдин овоз бериш сайлов вақталари орқали амалга оширилади. Мuddатидан олдин овоз беришнинг ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Мuddатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунини бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов вақасини олади. Сайлов вақасига мах-

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда эркин ва адолатли сайловлар принципини жорий этишга йўналтирилган ҳуқуқий асослар тўла-тўқис яратилган. Сайловлар халқнинг эркин тарзда ифода этиладиган хоши-иродасини аниқлайди ва унинг бевосита рўёбга чиқарилишини таъминлайди. Ўзбекистон сайлов қонунчилиги сайловчиларга номзодларни танлаш, сайлаш имконини беради. Бу эса фуқароларимизнинг сайловлардаги ижтимоий-сийёсий фаолиги ошишига янада кенгрок имконият яратади.

Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири, юридик фанлари номзоди, доцент

ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутганини яхши англаб олишимиз лозим.

Маънавий иммунитет ва ижтимоий адолат

Ўзбекистон "Адолат" СДП Вобкент туман кенгаши ташкилотчилигида партиянинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида "Ёшларнинг маънавий иммунитетини шакллантиришда ижтимоий адолатнинг аҳамияти" мавзусида ўтказилган давра суҳбатида бу муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди. Тадбирда партия фаоллари, тумандаги қурилиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари, "Камолот" ЕИХ туман бўлими вакиллари қатнашди.

Иштирокчилар ҳар қайси миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслиги, бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилишини қайд этишди. Шунингдек, маънавий иммунитет ва уни шакллантирувчи омиллар, ижтимоий адолатнинг ҳам маънавий иммунитетни шакллантиришда ўз ўрни борлиги хусусида тўхталиб ўтишди.

Маънавий-ахлоқий иммунитет бу инсонларни турли хил маънавий, мафқуравий иллатлар, хавф-хатар ва таҳдидлардан ҳимоя қилишга, уларни ана шундай иллатларга қарши курашишга қаратилган юксак ахлоқий, илмий, сиёсий қадриятларни ўзида ифода этувчи ижтимоий-фалсафий тушунчадир, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари Зухро Мирзохамдамова. — Ёшларимиз қалбида ватанпарварлик, яхшилик, эътибор, иймон-эътиқод, виждон, адолат, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ҳаё ва ибто каби туйғуларнинг чуқур илдиз отиши орқали инсонга хос бўлмаган иллатларга қарши тура оладиган иммунитет ҳосил қилишимиз мумкин. Мамлакатимизнинг энг ривожланган, кенг тараққий этган давлатлар орасида бўлиши бу — юртимиз тинчлиги, барқарорлиги ва хавфсизлиги, ислохотларнинг изчиллик билан амалга ошириши билан боғлиқ экан, улар, ўз навбатида, ҳар бир фуқарода маънавий-ахлоқий иммунитет юксак даражада шаклланишини ҳам таъкидлади.

Маънавий иммунитетни шакллантиришда ижтимоий адолатнинг аҳамияти жуда катта. Ижтимоий адолат нима, маънавий иммунитетни шакллантиришда у қандай аҳамиятга эга, деган савол атрофида ҳам иштирокчилар фикрлашиб олишди.

Ижтимоий адолат имкониятлар тенглиги, бирдамлик, аҳиллик, тенг ҳуқуқлилик устувор бўлган таъминдир, — деди Вобкент туман партия кенгаши раиси Максуд Хамидов. — Ёшларнинг маънавий иммунитетини шакллантиришда унинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Буни амалга оширишда ижтимоий соҳа вакиллари асосий масъул бўлиши ҳисобланади. Шу билан бирга, бу жараёнда кенг жамоатчилик фаол иштирок этиди. Асосий мақсад — миллий ва умуминсоний қадриятларга таъинган таълим-тарбия мазмунини инсонпарварлик тамойиллари асосида ташкил этиш ва унинг узвийлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги асосида ёшларда маънавий-ахлоқий маданиятни шакллантиришга йўналтиришдан иборат. У инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида ақл-заковат билан яратилади. Уларнинг тасавури, тафаккури, орау ва интилишлари, ахлоқ-этиқодларини ўзида мужассам этган, амалий ҳаётда сайқал топган маънавий бойлик бўлиб, тарбиянинг таъин воситалиридан саналади. Ёшлар ўз маънавий иммунитетини шакллантиришда, албатта, ижтимоий адолатнинг нима эканлигини тушуниши ҳамда фаолияти давомида татбиқ этиб бориши лозим.

Учрашувда ёшлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбир сўнгисида ёшлар ўртасида маънавият, маънавий иммунитет ҳамда ижтимоий адолат ва ушбу тушунчаларнинг аҳамияти ҳақида анкета сўровномаси ўтказилди.

Моҳиғул АБДУЛЛАЕВА, Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

Имкониятлар кенгаймоқда

БИРГАЛИҚДА ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ САРИ

Янги таҳрирда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳоли, шу жумладан, ёшлар ўртасида тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон "Адолат" СДП Жиззах вилоят кенгаши томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда чора-тадбирлар белгилашиб, жойларда тарғибот ишлари олиб борилмоқда.



Жиззах давлат педагогика институти қошидаги Сайилжой академик лицейида "Ёшлар ва қонун" мавзусида ўтказилган учрашувда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Жиззах мунтақавий филиали мутахассислари, халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши депутатлари, партия ходимлари, лицей ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этиди. Унда сўзга чиққанлар "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида ўқувчиларга тушуنча бериб, ҳар жиҳатдан соғлом, баркамол авлоднинг вояга етказиши, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш доимий эътиборда эканлиги, бу борада истиклол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар хусусида фикр билдиришди. Партиянинг "Биргаликда юксак ҳуқуқий маданият сари" лойиҳаси доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда таъкидланганидек,

ёш авлодни азалий қадриятларимиз, миллий урф-одат ҳамда анъаналаримиз негизда маънавий олами бой, билим доираси кенг, қоним инсон қилиб тарбиялаш учун юртимизда барча шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиб берилган. Ана шундай юксак эътибор туфайли мамлакатимиз ёшлари илм-фан, маданият, санъат ҳамда спорт соҳаларида дунё миқёсида катта ютуқларга эришмоқда.

"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун билан танишиб, биз ёшларнинг имкониятларимиз янада кенгайганига амин бўлдик, — дейди лицей ўқувчиси Омад Эргашев. — Шундай экан, биз иктидор ва истеъдодимизни тўла намоён этган ҳолда Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, албатта, ўз хиссамизни қўшамиз.

Лицей ўқувчиларидан Д.Худойбердиева, Ж.Бозоров, М.Эргашева ва бошқалар бундай тадбирлар уларнинг ҳуқуқий билимлари кенгайиши, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишларида амалий аҳамиятга эга эканини баён этишди.

Узоқбой РИСКУЛОВ, Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби

Сиёсий-ҳуқуқий маданият юксалиши

ёшлар фаоллигини оширади

Шайхонтоҳур тиббиёт коллежида Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар ҳамда Шайхонтоҳур туман кенгаши ҳамкорлигида "Ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий манфаатлари доимий эътиборда" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Партияимизнинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия ходимлари, "Ёш адолатчилар" қаноти фаоллари, коллежнинг ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Одилжон Аманов. — Бу билан уларнинг салоҳияти, истеъдодини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос механизми шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, соҳага оид йигирмадан ортиқ қонунлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу мақсадлар рўйи учун пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги ва "Таълим тўғрисида"ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларга замонавий стандартлар асосида таълим-тарбия бериш, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш, соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда. Хар йили мамлакатимиз парламенти тасдиқлайдиган иш ўринлари ташкил қилиш ва аҳоли баёнлигини таъминлаш дастурлари эса, энг аввало, ёшлар, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг жамиятга фаол интеграцияланувида муҳим аҳамият касб этапти.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати навқирон авлод оғи ва қалбига ватанпарварлик, истиклолга сандоқат туйғуларини чуқур синг-



дириш, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Хусниддин Маликов. — Янги таҳрирдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қаролатлари янада мустаҳкамланди. Бу борада давлат сиёсатини амалга оширувчи органлар ва муассасалар вазифалари, ваколатлари, шунингдек, уларнинг бу соҳадаги жавобгарлиги аниқ белгилаб берилди.

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этиди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, янгиланишлар замирида юртимиз фарзандларини ҳар томонлама баркамол, жис-

монан соғлом, ақлан етуқ, замонавий билим ва касб-ҳунарларини эгаллаган, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак қилиб вояга етказишдек устувор мақсад мужассам. Бу — умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Тадбирда сиёсий партияларнинг ёшларга оид сиёсатини амалга оширишдаги иштироки

ЁШЛАР ҲУҚУҚИ, МАНФААТЛАРИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ!

долзарб масала эканлигига эътибор қаратилди. Чунки жамиятда фуқароларнинг ўзаро мувозанатли, келишув асосида муносабатлари таркиб топиши, аҳолининг, шу жумладан, ёшларнинг давлат бошқарувидаги иштироки сиёсий партиялар фаолияти орқали амалга ошади. Хусусан, мазкур тадбирнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда ёшларнинг сиёсий оғи, тафаккурини юксалтириш, ҳуқуқий билимлари ва сиёсий фаоллигини ошириш диққат марказида бўлди.

Тадбирда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олишди.

Феруз ЖҲҲАЕВ, "Адолат" мухбири

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

Маълумки, фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги улар фаолиятининг янада самарали бўлишини таъминлайди. Ўзбекистон "Адолат" СДП Қанлиқўл туман кенгаши томонидан тумандаги 2-сонли маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда "Жамоатчилик назорати — демократик ривожланиш гарови" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Жамоатчилик назорати — фуқаролик жамияти ривожининг асосий омили



Партияимизнинг дастурий вазифалари ижросини таъминлашда ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган ушбу тадбирда туман партия кенгаши раиси Зауреш Юсупова "Ижтимоий шериклик муносабатларининг жамият тарққиётидаги аҳамияти" мавзусида батафсил сўз юритди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда партия дастурида белгиланган ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя тамойилларини амалга оширишда маҳалла институти билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйишнинг ижобий аҳамияти бор. Шу билан бирга, маҳалла ва бошланғич партия ташкилоти томонидан ўртага ташланган масалаларнинг ечим топишида партия фаоллари ва маҳал-

лий Кенгаш депутатларининг ташаббускорлик руҳида иштирок этишида бу ҳам жиҳатлик янада яққолроқ аке этиди.

Маҳалланиннг фуқаролик жамияти шаклланишида муҳим ўринга етилган назарда тутсақ, сиёсий партия билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарилган органлари ўртасида ижтимоий ҳамкорлигининг моҳиятини янада тўлароқ англаймиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Парахат Айбасов.

Тадбир иштирокчилари бугунги кун талабидан келиб чиқиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш учун ижтимоий ҳамкорликда жойларда жамоатчилик назоратини намунали йўлга қўйиш ҳақида фикр билдирдилар.

Ҳақиқатан ҳам, партиянинг асосий тузилмаларидан ҳисобланган "Аёллар қаноти" ва "Ёш адолатчилар" қаноти фаолиятини янада изчил олиб боришда маҳалла институти билан алоқаларни кенг йўлга қўйишимиз яхши натижа беришини иш таърибамизда кўриб турибмиз, — дейди туман партия кенгашининг "Аёллар қаноти" етакчиси Бовдагул Сапарова.


Давра суҳбати иштирокчилари мавзу юзасидан зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ривож ОТАРБОЕВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Ҳар бир юртдошимизнинг орзу-истаги эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, обод ва мустақил Ватан равнақиға ҳисса қўшишдан иборат. Фуқароларнинг манфаатлари йўлида иш олиб бораётган сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон "Адолат" СДП фаолияти негизда ҳам шу олий мақсадлар мужассамдир. Бу эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда партиянинг ҳудудий ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари муҳим ўрин тутлади.

Электорат манфаатлари рўёбга чиқмоқда



Халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгашида партияимизнинг 12 нафар депутати сайловчилар олдидagi масъулиятни чуқур англаган ҳолда, икки гуруҳга бирлашиб иш олиб бормоқдалар.

Хусусан, Мехмон Мўсинов раҳбарлигидаги депутатлик гуруҳига жорий йилнинг 2-қорғи давомида сайловчилардан 47 та мурожаат келиб тушган бўлиб, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борилган амалий ишлар натижасида уларнинг 42 таси фуқаролар фойдасига ҳал этилди. Қолган мурожаатлар юзасидан қонуний тартибда ўрганишлар давом этмоқда. Хар ҳафтаниннг жума кунини шаҳардаги "Қокилон", "Исфайрам-сой", "Пакана", "Дўстлик", "Қўчқорчи", "Қалача" сайлов округларида депутатлик гуруҳи қабули ташкил этиб келинмоқда.

Аҳолининг мурожаатлари асосида депутатларнинг амалий саъй-ҳаракатлари билан шаҳардаги "Қокилон" маҳалласида замонавий гузар ишга туширилди. Айни пайтда бу ерда маҳалла аҳли учун хар томонлама қулайликлар яратилган, савдо терминаллари ўрнатилган дўконлар, чойхона, бир қатор манций хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Депутатлик гуруҳи аъзолари ташкилотчилигида "Дўстлик" ҚФЙ ҳудудидаги кам таъминланган оилалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга зарур ёрдамлар кўрсатилаётгани ҳам кўпчилики мамнун этди. Депутатларнинг самарали ишлари фуқаролар эътиборини жалб этиб, партияимизга қайрихоҳлар сони орғантири, десак янглишмаймиз, бугунги кунда Қувасой шаҳрида маляк-дошларимиз сони 600 нафардан ошди.

"Қалача" маҳалласида истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилаларга депутат Турсунбой Мирзашарипов ташаббуси билан ҳомийлар кўмағида ёрдам кўрсатилиб, зарур дори-дармонлар, бепул тарқатилди. Ана шундай ҳомийлик туғайли маҳаллада умргузаронлик қилаётган нурунийлардан икки нафари "Қувасойсавари" АЖГА қарашли сыхаттоҳга бепул йўланма билан таъминланди.

Комила ИСРОИЛОВА, Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

"АЁЛЛАР ҚАНОТИ" ФАОЛИЯТИДАН

Мустақиллик йилларида республикаимизда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатлигини таъминлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотларида фаолият юритаётган хотин-қизларнинг юксак салоҳияти, фидойиллиги ва ташаббускорлик билан эришаётган ютуқлари таҳсинга лойиқ.

Ҳар соҳада фаол ва ташаббускор

Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан ташкил этилган давра суҳбати "Аёл, жамият ва сиёсат" мавзусига бағишланди. Унда партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, фаол хотин-қизлар ва ОАВ вакиллари иштирок этидилар.

Бугун андижонлик партияимизнинг сафида 5200 нафардан зиёд хотин-қизлар фаол иш олиб бормоқда. Айниқса, тиббиёт ва таълим тизими фидойилари, раҳбар аёллар, тадбиркорлар ва фуқаролик институтларининг вакиллари кўпчилики ташкил этиди. Улар касб фаолияти билан бирга партиявий ишларда ҳам ташаббус кўрсатмоқда. Бугун Замирахон Қимсанова, Юлдузхон Нишанова, Фотимахон Сиддиқова каби фаол партиядошларимиз билан хар қанча фахрлансак арзийди.

Таъкидланганидек, "Соғлом она ва бола йили"да оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар қўламини янада орғиди. Уларни соғломлаштириш билан бир вақтда оилада соғлом муҳитни қарор топтириш, тадбиркорликка жалб этиш, иш билан бандлигини таъминлашга бўлган эътибор кучайтирилди. Бунинг натижасида вилоятимизда ҳам қўллаб аёллар ўз тадбиркорлиги билан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва янги иш ўринлари яратишга эришмоқда. Хотин-қизлар ва ёшларнинг тадбиркорлик қобилиятларини юзага чиқариш, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш масалаларида партияимиз банк муассасалари билан ҳамкорликда қатор қайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида белгиланган муҳим вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Давра суҳбати иштирокчилари эришилган ютуқлар билан бирга олдинда турган вазифалар хусусида ҳам фикрлашиб олишди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, кишлоқ жойларда манций хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, уй бекалари орасида тарғибот ишларини кучайтириш ва аёллар спортини ривожлантириш борасидаги вазифалардан келиб чиқиб, чора-тадбирлар белгиланди. Бу борада бошланғич партия ташкилотлари янада ташаббус кўрсатиб ишлаши лозимлиги қайд этилди.

Ақбаржон НАЗАРОВ, "Адолат" мухбири

Тил ҳаётнинг жон булоғидир

➤ 21 ОКТАБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАН КУН

Она тили қадим-қадимдан, улуг аждодлардан бизга етиб келган беназир ҳазинадир. Ҳар қандай тилда у мансуб бўлган халқнинг маънавияти, руҳий олами, ақл-идроки, инсоний фазилатлари ўз ифодасини топади. Дунёда турли миллат ва элатларга тегишли уч мингдан ортиқ тил бор, уларнинг ҳаммасини ўзлаштириш қийин. Аммо тилнинг мўъжизавий қудрати шундаки, киши ўзи учун мутлақо бегона халқ тилидаги сўзлашувни эшитар, кўшигини тинглай ёки бирор урф-одатига гувоҳ бўлар экан, шу миллат ёки элат ҳақида маълум тасаввурга ҳам эга бўлади.

Сўз тирик жон янглиғ илоҳий неъмат, унга ёлгон, макр, фисқо фасод аралашса, жозиба ва лафофатини йўқотади. Инсонни унинг назокатли лутфи, сўзлаш ва тинглаш одоби, фикрлаш тарзи орқали билса бўлади. Чунки сўз фикрга айланган, бекиёс таъсир кучига эга бўлади. Улуг алломалар: “Таъсирли сўз ҳаётнинг жон булоғидир. Фикрлаётган одам яшашда давом этади. Фикрлашдан тўхтаган одамнинг маънавий умри тўхтади, энди у фақат мавжуд бўлиб қолади”, деб бежиз айтишмаган. Бунинг боиси, фикр инсонни ҳаракатда, жамиятнинг ривожланиш ҳолатида ушлаб туради. Фикрлар хилма-хиллиги, баҳс-мунозара ҳаётни тараққийга йўналтиради.

Ёқимли ва мукаммал нутқ инсон учун муҳим фазилатдир. Яхши сўз, яхши хабар дилни қувончга тўлдирди, юрагига малҳамдек таъсир қилади. Шу боисдан ҳам халқимизда тилга эътибор берилган, ҳар бир сўз, ҳар иборани ўйлаб гапириш, қисқа сўзлаш, муомала одоби ва маданиятига қатъий риоя қилиш ҳусусида кўп қўлдан хикматлар мавжуд. Бир сўз билан “илон инидан, қилч қинидан чиқиши мумкин”.

Кайковуснинг “Кобуснома” асарига нутқ ва муомала одобига алоҳида эътибор берилган. Асарнинг еттинчи бобида қуйидагиларни ўқиймиз: “Эй фарзанд, токи қила олсанг (қўлингдан келса), сўз эшитмакдан қочма, киши сўз эшитмак билан суҳангўйлик ҳосил қилур... Ёлгон ва беҳуда сўз айтмак девоналикнинг бир қисмидур. Ҳар қандай сўз айтган бўлсанг, қара, у сенинг сўзингга харидорму ёки харидор эмасму? Агарда уни сўзингга харидор топсанг, унга сўзингни сотил. Йўқ эрса, ул сўзини қўйиб, шундоқ сўз де-тилким, унга хуш келсин ва сенинг сўзингга харидор бўлсин”.


Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билик” асарига тил одоби, яъни ўқини ва билим олишда тилнинг аҳамияти, қисқа ва мазмунли сўзлаш, тилга ор-тиқча эрк бермаслик ҳусусида қуйидагилар баён қилинади: “Тил ақл ва билимнинг таржимонидир. Билки, кишини нуруний қилувчи восита (унинг) очик ва мазмундор тилидир... Тил ки-

шини иззатли қилади, киши тили билан бахтли бўлади. Тил арслондир, қара, у сени доим эшиқда пойлаб ётади. Эй мармур уй хўжаси, хушёр бўлки, агар тилингга ортиқча эркинлик берсанг — ўйламадан сўзласанг — у бир кун эмас, бир кунини ўз бошингни сийди...”.

Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, тил — сўзловчи инсоннинг эшитувчига етказувчи таржимондир. Улуг мутафаккир Алишер Навоий тилни инсонни хайвондан ажратувчи “гавҳари шариф”га ўхшатади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг ушбу сўзлари ҳам айни ҳақиқат: “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойна ҳаёти унинг тили ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”.

“Садои Фарғона” газетасининг 1914 йилги 3-сонига чоп этилган Ашурали Зоҳидийнинг “Она тили” мақолисида қуйидагиларни ўқиймиз: “...газета ва журналларнинг дунё аҳолидан ва бошқа турғилардан халқга хабар бериб турмоғидан бошқа улуг ва қўзга кўринмайдиган бир фойдаси бўлувчи, ул она тилининг кенгаймоғи ва мукаммаллашмоғидур”. Юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, тилнинг мукаммаллиги, она тилини чуқур ўзлаштириш ва уни асраб-авайлаш жамиятнинг маънавий пойдевори нечоғли муҳим аҳамиятни кўрсатувчи кўзгудир.

Она тилимиз, ундаги ноёб сўз ва иборалар, хикматлар, мақол ва маталлар асрлар давомида жуда катта ҳаётий таърибга асосида шаклланган, тўпланган ва сайқал топанган бўлиб, бу бекиёс ҳазина, биз, биздан кейинги авлодлар учун ҳам ноёб мерос ҳисобланади. Бу ҳазинадан баҳраманд бўлган буюк аждодларимиз ал-Хоразми, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур сингари мутафаккирлар дунё тамаддуни ривожига муносиб хисса қўшдилар, айни чоғда, ўзларининг буюк асарлари, илм-маърифатлари билан бу ҳазинани янада бойитиб, мақомини баланд кўтардилар. Шу боисдан ҳам, тилга эътибор, уни миллий бойлик сифатида севиб-ардоқ-



Ушбу оқтин сўз

лаш, бойитиш, келажак наслларга бус-бутун етказиш бизнинг аждодлар руҳи олдидаги маънавий бурчимиз ҳисобланади. Бу бурчини унутиш қандай маънавий фожеаларга олиб келиши мумкинлигига тарихда мисоллар кўп. Тил шундай бир буюк, ундаги ҳар бир ниҳол, ҳар бир вунчаннинг ўз ўрни бор, бордию улардан бири эътиборсиз, парварисиз қолса, боғнинг кўрки бузилади, таровати сусаяди. Шу маънода, тилни бугунги кунни олис ўтмиш билан боғловчи маънавий кўприкка қийинлаш мумкин. Бу кўприк бизни эзгу амалларга, инсоний қимматларга даъват этади. “Тилни асраган эл бой бўлади, уни йўқотган эл эса йўлидан, ўзининг адашадиган деганларидек, тил бойлигини йўқотганини йўқотмаслик учун ҳам асрашимиз лозим.”

Собик тузум шаронтида тилимиз ҳар жиҳатдан таназзулга юз тугди. Она тилга эътибор сусайди, неча асрлар давомида халқимизга маънавий хамроҳ бўлиб келган ўзбек тили асоссиз камситилди. 1989 йилнинг октябр ойида бўлиб ўтган Олий Кенгаш сессиясида мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили деб расман эълон қилинди. Мустақилликка эришганимиздан кейин, 1992 йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эса давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб қўйилди, яъни ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси каби муқаддас тинимоллардан бирига айланган.

Бу, шубҳасиз, катта ғалаба эди. Аммо тилимизнинг макенини кўтариш, узоқ йиллар давомида унга етказилган маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш осон бўлган йўқ. Бу борада кейинги йилларда беш йил ичида жуда муҳим ишлар қилинди, ўзбек тилининг қадри-бағри, нуфузи тикланди, илмий-тадқиқот ишлари, ёзишмалар ўзбек тилида олиб бориладиган бўлди. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида дастурларига те-

гишли ўзгаришлар киритилди. Бироқ, бу жараён асло тўхтаб қолмаслиги керак. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов сўзлари билан айтганда, “Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келадиган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишларимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланилиши доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий лўғатлар нашр этиш, зарур атам ва иборалар, тушуنча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини аниқлашдек эзгу максатларга хизмат қилиши шубҳасиз”.

Бу вазифи бажариш учун амалга ошириладиган ишларнинг салмоғи тобора ошаётгани, ўзбек тилига, тарихимиз ва маданиятимизга, истиклол йилларида халқимиз эришган ютуқларга қизиқиб дунё миқёсида кучайиб бораётгани, “ўзбек мо-

дели”, ўзбек кураши билан боғлиқ иборалар жохон халқлари тилида янграётгани фойда қувонарлидир. Кейинги йилларда тилшунос олимларимиз билан биргаликда ижодкор зиёлилар ҳам тилимиз нуфузи ҳақида қай-қайириб, иборат молик ишлар қилмоқдалар. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг чоккина “Сўз сеҳри” рисоласи тилшунослар учун ҳам, тилимизни ўрганувчилар учун ҳам муҳим қўлланма бўлди. Физика-математика фанлари доктори, профессор Абдулла Аъзамов тилимиздаги биргина “февъл” устида изланиш олиб бориб, хозирча оғзаки сўзлашувда, ёзма ижодиётида қўлланиладиган ўттиз мингдан ортиқ феъл сўзларни тўплагани, аслида ўзбек тилида феъллар сонини юз мингга яқинлигини исботлагани фойда қувонарлидир. Жорий йилда Биринчи Президентимиз фармонида кўра, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилиши эса маънавий ҳаётимиздаги энг улуг воқеалардан бири бўлди. Янги олий ўқув юрти устоз ва талабалари тилимиз раҳнақига муносиб хисса қўшадилар, деган умиддамиз.

Бундай ютуқларни яна кўп қилиш мумкин. Бироқ, эътироф этиш кераки, давлат тилини қўллаш, уни янада ривожлантириш борасида муаммолар ҳам йўқ эмас. Ёзувда имло қоидаларига тўла амал қилмаслик, сўзлашувда турли тилларга оид терминларнинг қоришиб кетиши, телевидение ва радиога сўз ва ибораларни нотўғри, ўринсиз ишлатиш, талаффуздаги нуқсонлар, айниқса, кўча рекламасидаги чалқашликлар матбуотда, турли йиғинларда тинимсиз танқид қилинаётганига қарамай, бу нуқсонлар, таассуфки, барҳам топаётгани йўқ. Дунёда ўзбек тилини ўрганишга эътибор кучайган бир пайда ўзимиз хато қилиб турсак, метро вагонларидаги ғайритаъбий рекламаларни кўриб қўрмаганимизга олсак, яхши бўлмас. Демакки, тил илмимизни такомиллаштириш борасидаги ишларимиз бундан буён ҳам диққат-эътиборимизга бўлмоғи даркор.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
ЎЗМУ доценти

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ АХБОРОТ ХИЗМАТИ»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, йирик хўжалик субъектлари, шунингдек, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари ўртасида «Йилнинг энг фаол ахборот хизмати» ижодий танловини эълон қилди.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига молиявий кўмакда ўтказилди.

Танлов шартлари:

Танловда иштирок этиш учун ахборот хизмати ёки матбуот-марказининг жорий йилдаги фаолияти ва эришган ютуқлари ҳақида маълумот — 2016 йилнинг 1 январидан 10 ноябргача давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик субъектлари, жамоат ташкилотларининг расмий ахборот сайтларида, шунингдек, мамлакатнинг босма ва Интернет нашрларида чоп этилган, таърифланган фаолиятни тасдиқлайдиган манбаларга барча ҳаволаларни тақдим этиш ҳолда, вазириликлар, идоралар ёки жамоат ташкилотлари, ахборот хизмати ходимининг Ф.И.Ш., ОАВда тadbирлар қайд этилган мақолаларнинг асл нусхаси тақдим этилиши керак.

Танлов олдига номинация бўйича ўтказилади:

- йилнинг энг фаол ахборот хизмати;
- йилнинг энг фаол ахборот хизмати раҳбари ёки ходими;
- энг яхши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий сайти;
- йил қашифиети;
- маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этилиши учун;
- журналист наздидаги энг фаол ахборот хизмати.

Номинациялар бўйича танлов ҳужжатлари рўйхати:

Йилнинг энг яхши ахборот хизмати — жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизмати-нинг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимларининг исми ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, ижтимоий ўзгариш бўйича ҳаракатлари бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Йилнинг энг яхши ахборот хизмати раҳбари

— жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати раҳбарининг Ф.И.Ш.нинг ОАВда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, ижтимоий ўзгариш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Энг яхши расмий сайт — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари расмий сайтининг фаолияти, расмий веб-сайт ва бошқа ОАВда, жумладан, электрон нашрларда чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, веб-сайтга қўрилган таъриф буржувчилар сони, чоп этилган ахборотнинг юзояй-бадий даражаси ва контент сифати, шунингдек, расмий веб-сайтда тил версияларининг ишлатилиш эркин усулда таърифлаш.

Йил қашифиети — жорий йилда йирик жамоат ташкилотлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ахборот хизмати ходимлари ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимлари Ф.И.Ш. матбуотда қайд этилиши, ташкилот нуфузини бошқариш, ижтимоий ўзгариш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этиш

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий саҳифасининг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти, рўйхатдан ўтганларнинг сони, фойдаланувчиларнинг умумий қамрови, расмий саҳифа ва Интернет-ОАВда чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, расмий саҳифада тақдим этилган материалларга репостлар сони, ахборотни ижтимоий тармоқларда жойлаштириш тезлиги, ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар билан мулоқот самардорлигини эркин шаклда таърифлаш.

Журналист наздидаги энг фаол ахборот хизмати

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмлари, масс-медиа вакиллари учун ўтказилган тадбирлар сони ва уларнинг иштирок этиш даражаси, шаклландирган журналистлар пулининг мавжудлиги, журналистлар учун махсус мавзуга доир танловларнинг ўтказилиши, тадбирлар доирасида тақдим этиладиган тарқатма материалнинг сифати, онлайн режимида ташкилот фаолияти ҳақидаги даъждестларнинг доимий равишда юритилишини эркин шаклда таърифлаш.

Танловда иштирок этиш учун ариза юридик шахс раҳбари — танлов иштирокчиси-томонидан имзоланган ва муҳр босилган, иш жойи, касбий фаолияти ҳақида қисқача маълумот, телефон рақами, манзили ва муаллиф паспортининг нусхаси илова қилинган ҳолда тўлдирилган бланки ташкил этади.

Танловга топширилган материаллар ўзбек, рус ёки қоракалпоқ тилида тайёрланган бўлиши ва босма, Интернет нашр ёки веб-сайт кўрсатилган ҳолда босма ҳамда электрон шаклда тақдим этилиши керак.

Фоторепортажлар асл нусха ҳолатида тақдим этилади.

Танлов ғолибларига соврилар:

Ғолиблар ҳар бир номинация бўйича махсус диплом ва қимматбаҳо совға билан таъдорланади.

Материаллар 2016 йилнинг 10 ноябргача «Йилнинг энг фаол ахборот хизмати» танловига қайди билан Тошкент шаҳар 100129, А.Навоий кўчаси, 30 уй, 2-қavat, 45-хона манзил бўйича Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига юборилиши керак.

Батафсил маълумоти 244-12-51, 244-14-28 телефонлари орқали олиш мумкин.

Гиёҳвандлик — аср вабоси

➤ ОГОҲЛИК

Эрталаб уйдан хурсанд бўлиб чиқиб кетган Нозима тушдан сўнг йиғлаб кираиб келди. Қизининг аҳволини кўрган Жамила опа шошиб қолди, ундан нега йиғлаётганини сўради.

Нозима никоҳ олди тиббий кўрик вақтида шифокорлар бўлажак кувёда гиёҳвандликка хос аломатлар кўзга ташлангани ҳақида таъкидлашганини айтди. Буни эшитган онанинг бошидан муздек сув куйиб юборилгандек бўлди. Сўнг ўзини қўлга олиб, қизини юпатди.

— Майли, болам, йиғлама. Яхшиямки, бу тўйдан олдин маълум бўлибди. Ундан кейин билганимда нима қилардинг?

— Ойи, дугоналарим ва

таниш-билишларнинг олдида хижолат бўлганим-чи? Шу топда Жамила опа қизининг олдида ўзини айбдор сезди. Чунки йилнинг холаси ва аммаси жиянини хўп макташганида соддадил аёл уларнинг гапига ишониб, розилик берганди.

Шу тариқа тўй тўхташилди. Афсуски, бундай воқуш ҳолатлар қундалик ҳаётимизда онда-сонда бўлса ҳам учраб турибди.

Маълумки, гиёҳвандлик иллатига қарши халқаро миқёсда миселсиз кураш

олиб борилмоқда. Шунга қарамай, дунё бўйича тахминан 80 миллион одам гиёҳвандлик балосига гирифта бўлган. Шифокорларнинг таъкидлашича, гиёҳвандлар ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан жуда тез қарийди. Айниқса, гиёҳванд модда сифатида баъзи кимёвий воситаларни истеъмол қилиш натижасида соғлиғи тубдан ёмонлашиб, маълум вақт давомида (ўлимга қадар) гиёҳванд инсон боласига хос бўлган тарзда ҳаёт кечиради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-276-моддаларини ўз ичига олган XIX боби “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жи-

ноятлар” дея номланиб, бунинг учун қатъий жазо чоралари белгиланган. Аммо жазо қанчалик оғир ва муқаррар бўлмасин, ўз қилмишининг оқибатини ўйламаган айрим инсонларнинг қўли очилгани қийин. Энг ачинарлиси, гиёҳвандликка дучор бўлганлар ва гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланаётганлар орасида аёлларнинг ҳам борлигидир.


Шу ўринда гиёҳвандликнинг энг аянчли оқибатлари фарзандлар тақдирини билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Аввало, гиёҳванд шахсининг фарзанди ногирон, яъни жисмоний ёки ақлий нуқсон билан туғилди. Қолаверса, унинг организми гиёҳвандликка мойил бўлади.

Шундай экан, бундай фарзанднинг келажакда гиёҳвандликка қалинмаслигига ёхуд мазкур офатдан холи улғайишига қафолат бериш қийин. Яна бир жиҳати, ёнаторфагилар гиёҳванд шахсининг фарзандини келин ёки кувё қилишдан ҳам ўзларини олиб қочиниши. Инсон учун бундан ортиқ иснод бўлмас керак.

Албатта, бугунги дорилор қўлларда дунёга келадиган ва вояга етаётган соғлом авлодни, фарзандларимизни гиёҳвандлик балосидан асраш биз, катталарнинг энг асосий вазифамиздир. Шу мақсадга шахримиздаги умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида гиёҳвандликнинг аянчли

оқибатлари ҳусусида кенг қўламли тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бораёямиз. Зеро, умр инсонга берилган тенгсиз инъомдур. Унинг қадрига етиш, мазмунли умргузаронлик қилиш, аввало, ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Гиёҳвандлик эса инсон умрини емириш, саломатлигига, оиласидagi тўкин-сочинликка пугур етказиш билан бирга эзу юрт олдида бошини ҳам қилиб қўяди. Бир сўз билан айтганда, гиёҳвандликнинг олдини олиш ва бу иллатга қарши курашиш ҳар биримиздан маъсулликли ва огоҳ бўлишни тақозо этади.

Гулноза ЗОКИРОВА,
Фарғона шаҳар 1-сон
ФХДЁ бўлими мудири
вазифасини бажарувчи



Боғлар саховати — турмуш зийнати

Янги технологиялар самараси

Самарқанд туманида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш баробарида озиқ-овқат захираларини кенгайтириш, аҳолининг истеъмол талабларини тўла-тўқис қондириш ва махсулот экспортини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тумандаги ўнлаб фермер хўжаликлари ана шу мақсадни кўзлаган ҳолда бугун боғдорчилик ва узумчиликда интенсив технологияларни ҳамда томчилатиб суғориш усулини жорий этиб, юқори сифат ва самардорликка эришмоқдалар.

фаровонлиги ортиб бормоқда.

Дарвоқе, мазкур жамоа боғларида хозир йиғим-терим ишлари авжида. Самарқанд шаҳридаги бозор ва савдо дўконларига ҳар куни тонналаб сара мева, узум, сабзавот махсулотлари етказиб берилмоқда. Ҳосилнинг бир қисми эса кишда сотиш учун оморхонада гамланмоқда. Йил якуни бўйича дехқончиликнинг барча турларидан 200 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаган фермер хўжалиги боғдорчиликда истиқболли навларни янада кўпайтириш, ерларнинг медиоратив ҳолатини яхшилаб, суғориш тармоқларини такомиллаштиришни мўлжаллаган.

Зоҳир Тўрақулов,
"Adolat" муҳбири.

Суратда: фермер хўжалиги аъзоси Умида Ахророва.



Келажагимиз эгаларига гамхўрликнинг амалдаги ифодаси

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Мамлакатимиз банк-молия муассасалари томонидан ёшларни тadbиркорликка жалб қилиш ва шу орқали уларнинг истиқболли бизнес лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда молиялаштириш, ёш оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, олий ўқув юртида таълим олаётган ўғил-қизларимизга қўйиндан қўмақ бериш ва шу мақсадда ипотека, истеъмол ва таълим кредитларининг ажратилаётгани келажагимиз эгаларига кўрсатилаётган гамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

Дарҳақиқат, жонажон Ўзбекистонимизнинг ёруғ истиқболли толеи нурли фарзандларимиз тисмолида кўрамыз. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳеч қимдан кам бўлмай, ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб улғайиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган ва албатта, ўғил-қизларимизнинг ўз истеъод ва қобилиятларини амалда намоён этишлари кенг имконият, имтиёзлар яратиб берилмоқда. Буни теран англаган ёшларимиз ҳар соҳада фаол ва ташаббус кўрсатаётганлиги барчамизга мамнулик бағишлайди.

Маълумки, энг самарали сармоя бу ёшларнинг таълим олишига сарфланган сармоядир. Бунинг натижаси тезда кўзга ташланмаса-да, келажақда берадиган самарасини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

«Агробанк» акциядорлик-тижорат банки ҳам ёшларнинг замонавий таълим олишига яқиндан қўмақ бериб келмоқда. Жорий йилнинг 1 октябрга қадар 34,2 миллиард сўм таълим кредити учун йўналтирилган фикримизнинг далилидир. Бунинг натижасида ушбу имтиёздан 7 минг 290 нафар йиғит-қиз фойдаланиб, талабалик гаптини суришга муваффақ бўлди.

Хусусан, «Агробанк» АТБнинг Сирдарё вилояти бошқармаси томонидан олий таълим муассасасида таҳсил олаётган 207 нафар талабага жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 1 миллиард сўмга яқин таълим кредитлари ажратилди. Бу эса ёшларимизнинг олий ўқув юртида ўзи танлаган мутахассисликлар бўйича замонавий ва сифатли таълим олишига кенг имконият яратмоқда.



— Инсон ҳаётда тўқис ва фаровон яшашни оруз қилади. Бу, албатта, ўз ўзидан бўлмайди. Тинч-сиз меҳнат ва изланишни талаб этади, — дейди Гулистон давлат университети талабаси Муҳаррам Рузметова. — Мен ҳам шу қондага амал қилган ҳолда устозларимдан билим ва қўникмаларни мукамал ўзлаштиришга интилдим. Ўз устимда ишладим. Олий ўқув юртига кириш учун фанлардан пухта тайёргарлик кўрдим. Интилишим ўз самарасини бериб, Гулистон давлат университети талабаси Муҳаррам Рузметовага тўлов-контракт асосида

ликка жавобан юртимиз ёшлари ҳар соҳада истеъод ва маҳоратларини намоён этишга ҳаракат қилмоқда, — дейди Тошкент тиббиёт академияси талабаси Адхам Байманов. — Тошкент тиббиёт академиясига тўлов-контракти асосида ўқишга кирдим. Ўқини бошлашдан олдин Ховос филиалидан олган таълим кредити қўл келди. Мен банк жамоасидан миннатдорман. Тиббиёт академиясида замонавий билим олиб, келажақда инсонлар дардига малҳам бўладиган фидойи ва тажрибали шифокор бўлишга интилоқман.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, «Агробанк» АТБ сармоялари мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига, аҳоли фаровонлигини таъминлашга, қолаверса, ёшларимизнинг ҳаётда ўз ўринларини топишига ҳисса қўиши ва шу орқали юртимиз ривожига йўлида фаолият кўрсатаётган тadbиркор-ушбилармонларга тезкор ва замонавий банк хизматлари кўрсатишда муҳим омил бўлмоқда.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ

— Ўзимга тегишли уй-жойни катта набирамга мерос қилиб, васиятнома ёзган эдим. Лекин васиятномани расмийлаштиришдан миздан кейин унинг менга нисбатан аввалиги гамхўрлиги, муносабати ўзгариб қолди. Шу сабабли ҳовал-жойимни бошқа бировага мерос қилиб қолдирмоқчиман. Айтинг-чи, аввалиги ёзган васиятномани ўзгартиришим ва меросхўрнинг қимлигини ҳатто нотариус ҳам билмаслиги мумкинми?

Ў.Ақмақошов, Тошкент вилояти

— Амалдаги мавжуд қонунларимизга кўра, васият қилувчи истиаган пайтда ўз васиятномасини бекор қилишга ёки унда мавжуд бўлган айрим васият кўрсатмаларини янги васият тузиш орқали бекор қилишга, васиятнинг ўзгартиришга ҳамда васиятномани тўлдиршишга ҳақли.

Шунингдек, васиятнома васият қилувчининг фармойишига биноан нотариус ёки бошқа мансабдор шахслар томонидан унинг барча нухсаларини йўқ қилиб ташлаш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

Янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васиятнома тўлалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид бўлган қисми бекор қилинади.

Агар васият қилувчи томонидан кейинги васиятнома ўз навбатида бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, янги васиятнома тузиш орқали тўлалигича ёки қисман бекор қилинган олдинги васиятнома қайта тикланмайди.

Иккинчи саволингиз, янги васиятномани баридадан, шу жумладан, нотариусдан ҳам сир тутиши истиаганга келадиган бўлса, бунда васият қилувчининг хоҳишига кўра, васият нотариус томонидан унинг мазмуни билан танишиб чиқмасдан, махфий равишда тасдиқланади. Бу жараёнда васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан ёзилиб, шахсий мўҳоси билан тасдиқланади ва икки гувоҳ ҳақида нотариус иштирокида хатжиде солиниб олинилади. Гувоҳлар исм-шарифлари ва турар жойларини кўрсатган ҳолда, ушбу хатжидега имзо чексанларидан кейин, нотариус томонидан бу хатжиде яна бир бошқа хатжидега солиниб, олинилади ва тасдиқланиб, устхати ёзиб қўйилади.

Саволга Зангиота тумани ДНИ нотариуси Гўзал МАНСУРОВА
жавоб берди.

— Турмуш ўртоғим билан фарзандликка бола олишга қарор қилдик. Илтимос, газетангиз саҳифасида фарзандликка олиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

Н.Дамирова, Чиноз тумани

— Маълумки, ҳар бир инсон гўдак сифатида дунёга келади, оила муҳитида тарбияланади ва ояғга етади. Оила — бу яшаш муҳити, мураккаб ўзаро муносабатлар мажмуи, инсонни шахс сифатида шакллантирувчи макон. Бола оилада ўзини муҳофазаланиб ва бахтиёр сезади. Бироқ баъзида турли хил сабабларга кўра, болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўладилар ва уларни яна қайтадан оила муҳитига қайтаришнинг ҳуқуқий шакли — бу фарзандликка олинидир.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза болани фарзандликка олишни истиаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманларро, туман (шаҳар) судига берилади.

Оила кодексининг 152-моддасига асосан, ояғга етади эркин ва аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин. Лекин қўйидаги шахслар:

— ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

— қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

— асаб касалликлари ва наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар;

— ўз элималарига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товланганлиги, ота-оналик ҳуқуқини сунистеъмол қилганлиги, фарзандликка олинувчиларга шафқатсиз муносабатда бўлганлиги ва бошқа асосларга кўра фарзандликка олиш бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;

— қасдан содир қилган жинояти учун илгари ҳукм қилинганлар бундан мустасно.

Ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади. Агар бола фарзандликка олувчининг оиласида тарбияланган ва уларни ўз ота-ониси деб таниган бўлса, унинг ёшидан қатъи назар, розилиги талаб қилинмайди.

Саволга Зангиота тумани ФХДЭ бўлими инспектори Умида АЗИМОВА жавоб берди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Бухоро вилоят кенгаши жамоаси вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Дилбар Ҳамдамовага падари бузруквори, Бухоро давлат университети ўқитувчиси **Очил ҲАМДАМОН**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилоят кенгаши жамоаси халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши депутати Мавлуда Алтмишевага падари бузруквори **Шеркул ота АЛТМИШЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изхор этади.



ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «АСАКА» БАНК

«Соғлом она ва бола йили» муносабати билан миллий валютада қўйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг Банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган

<p>МУАССИС:</p> <p>Бош муҳаррир: Ислоҳ ҲАМРОЕВ</p> <p>Таҳрир ҳайъати:</p> <p>Наримон УМАРОВ Муҳаммад АЛИ Гавҳар АЛИМОВА Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА Қодир Жўраев</p>	<p>Бўлимлар:</p> <p>Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибият — 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабухона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 288-42-14 (144)</p> <p>Набатчи муҳаррир — Саодат Содиқова Набатчи — Бобиржон Тунгатов</p>	<p>«Адолат»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.</p> <p>1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилансар тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй. info@adolatgzt.uz</p> <p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100</p> <p>ISSN 2071-5217</p> <p>«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилади. Бузуртма Г — 1000. Адади — 6700 Босишга тошириш вақти — 21.00 Босишга тошириш вақти — 22.00</p> <p>Баҳоси келишилган нарха</p> <p>1 2 3 4 5</p>
--	---	--	--